ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 130 (20. 697) • 1990 йил 7 июнь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ўз ишини тамомлади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

6 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Мажлис бошланиши олдидан делегатлар Намойишлар хиёбонидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Эрталаб соат 10 да очилган мажлисда саноқ комиссиясининг раиси В. Н. Сигедин Ўзбекистон Компартияси марказий органларини сайлаш натижаларини эълон қилди.

Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сайлови бўйича ёпиқ (яширин) овоз бериш натижалари тасдиқланди.

Съезд КПСС Марказий Комитетига ва КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссиясига тавсия этиладиган номзодлар юзасидан таклифларни тасдиқлади.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига КПСС XXVIII съезди якунларини ва унда қабул қилинадиган қарорларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР XXII съезди делегатларининг ваколатларини сақлаб қолган ҳолда съезд ишини давом эттириш имкониятини кўриб чиқишни топширди.

Делегатлар 6 июнда очиладиган Қозоғистон Коммунистик партиясининг XVII съездига табриknома юбордилар.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Лобко, шу бўлимнинг сектор мудири Н. И. Семёнов қатнашдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

6 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сайланган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби ва Бюро аъзоси қилиб сайланди.

Ж. Ҳамидов, Р. А. Попов, А. И. Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари ва Бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Д. Д. Берков, М. И. Иброҳимов, Ҳ. А Исамуҳамедов, С. Мамарасулов, Р. Маматова, Ш. Р. Мирсаидов, С. Д. Ниетуллаев, А. И. Фозилбеков Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияларини тузди ва уларнинг раисларини тасдиқлади: А. С. Ефимов Ташкилий-партиявий ишлар масалалари комиссиясининг раиси, Ж. Ҳамидов Мафкура комиссиясининг раиси, М. И. Иброҳимов Ҳуқуқий масалалар комиссиясининг раиси, Р. А. Попов Ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари комиссиясининг раиси, А. И. Икромов Аграр сиёсат масалалари комиссиясининг раиси бўлди.

Пленум республика газеталари ва журналларининг муҳаррирларини тасдиқлади: Р. Раҳмонов «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири, Р. А. Сафаров «Правда Востока» газетасининг муҳаррири, Ш. Ниёзов «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири, Н. А. Умеров «Ленин байроғи» газетасининг муҳаррири, А. Ғ. Мухторов «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг муҳаррири, Ч. А. Абутолипов «Ўзбекистон Коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг бош муҳаррири, Б. Юсупов «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг бош муҳаррири бўлди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Лобко, шу бўлим секторининг мудири Н. И. Семёнов қатнашдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

6 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди сайлаган Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми бўлди.

Пленум Ш. М. Йўлдошевни Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг раиси ва президиум аъзоси қилиб сайлади.

И. П. Алесич Назорат-тафтиш комиссияси раисининг биринчи ўринбосари ва президиум аъзоси қилиб сайланди.

Э. Р. Иноғомов Назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари ва президиум аъзоси қилиб сайланди.

М. Э. Абдусаломов, Н. П. Арсентьева, Э. Д. Боқибоев, И. А Бибиков, Б. М. Капитонов, М. М. Мирқосимов, Н А. Муҳиддинов, К. Неъматов, М. М. Расулов, И. И. Федоринов Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси президиумининг аъзолари этиб сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари ва Бюро аъзолари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

СССР Президенти М. С. Горбачев 5 июнь куни Москвага қайтиб келди. У АҚШ ва Канадага давлат ташрифи буюрган эди.

М. С. Горбачевнинг сафарида ҳамроҳлик қилган СССР Президентлик Кенгашининг аъзолари Ю. Д. Маслюков, Е. М. Примаков, Ю. А. Осипьян, С. С. Шаталин у билан бирга қайтиб келдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни СССР давлат ва сиёсат раҳбариятининг аъзолари — Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов, Ч. Айтматов, В. В. Бакатин, В. И. Болдин, Г. И. Ревенко, В. А. Ярин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида АҚШнинг СССРдаги мувақкат ишлар вакили Ж. Жойс, Канаданинг СССРдаги мувақкат ишлар вакили Д. Тейлор бор эдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОСТАВИ

Абдуллаев А. С.
Абдуллаев О.
Абдулҳакимов Ж.
Абдураззоқов У. А.
Абдураҳмонов П. М.
Абибуллаев Ж. С.
Абутолипов Ч. А.
Агабабян Р. Д.
Аъзамхўжаев А. А.
Адҳамов Д.
Азизов К. А.
Азизхўжаев Д. Т.
Азимов С. О.
Айдарқулов А. А.
Акромов А.
Алиева У. К.
Алимов Т. А.
Алимов Ш. А.
Алимова Ҳ.
Алламуродов Б. А.
Асепков Ю. А.
Асқаров А.
Асқаров А. Ҳ.
Аҳмедов Қ. А.
Ахметов Л.
Бобоев А. Х.
Бақоев З.
Боймирзаев Б.
Балабушенко В. А.
Болтабоев Б. Т.
Болтабоев Т. О.
Ботиров З. А.
Бекдурдиева Ж. А.
Бекирова Ш. А.
Бекниёзов Б. С.
Беляев В. А.
Бердиев Н.
Бердиев Х. Э.
Берков Д. Д.
Букурова У. С.
Бўтаев Э. М.
Вентланд О. Э.
Володарский А. П.
Галкин Ю. К.
Гатаулин Ш. Қ.
Гацунаев Н. К.
Гелдиева М.
Гиннятуллин Р. А.
Грабилин В. Г.
Гришчук В. К.
Дадажонова Д.
Деҳқонбоева З.
Догонкин П. В.
Ефимов А. С.
Ешимбетова Т. А.
Ёдгоров Д. С.
Ёқубов Ғ.
Ёқубов Н. Н.
Жуманиёзова М.
Журавлев В. Н.
Жуманазаров Ж. И.
Жўрабеков И. Ҳ.
Жўраева С. Б.
Зокиров Ў. О.
Захаров А. И.
Заҳриддинов Ғ. З.
Зиёқулов О.
Зиёмов Ш. С.
Зорин В. Ю.
Зуева Л. Г.
Иброҳимов Б. Т.
Иброҳимов М. И.
Икромов А. И.
Исамуҳамедов Х. А.
Искандаров А.
Искандаров И. Н.
Искандаров И.
Искандаров М.
Исломова З. О.
Исмагулова Н. Ю.
Исмонлов О. Д.
Исмоилов Т.
Исмонлов У. К.
Исоқова К.
Ишматова С. С.
Йўлдошев Т.
Йўлдошева С. Э.
Йўлчиев А.
Казаков Э. Н.
Камолов Б. С.
Камолов В. М.
Каримов И. А.
Каримов Р. И.
Кенжаева Ж.
Камолхўжаев Ш. З.
Коновалова В. Я.
Котоврасов Г. Д.
Кочмарик И. А.
Крайнов Г. А.
Кунназаров У.
Лебедев О. В.
Лю Э.
Мадраҳимова Т. Х.
Маликов М.-Б. М.
Маллаев А.
Мамажонов Х.
Мамарасулов С.
Мамараҳимов Ю.
Маматисаев И. И.
Маматов А. Д.
Маматова Р.
Мамаралиев А.
Маннонов Г.
Маҳамадалиев Қ. Х.
Маҳаметов Т.
Маҳмудов А.
Маҳмудов Б. М.
Маҳмудова Ш. Н.
Менглиев Т.
Мирзамаҳмудова З.
Мильченко Г. И.
Мираҳмедов Т.
Мираҳметов М.
Мирзатиллаева Ф. Р.
Мирсандов Ш. Р.
Мирёқубов Т. М.
Михайлов В. К.
Моргасов А. С.
Мўминова Г. Д.
Муродов С. Х.
Муротов Ш.
Муродова Ф.
Мусурмонова Х.
Муталов А.
Муҳаммадиев Ш.
Мухторова Н.
Носиров А. Н.
Ниетуллаев С. Д.
Норматова М. Э.
Нўъмонов П.
Нурбоев М.
Нурматов Б. Т.
Нусратов Ш. Т.
Олимов У. З.
Орипов А.
Осташченко Г. В.
Одилов С.
Олимжонов А. Б.
Ортиқова Р. И.
Ортиқмуродов К.
Отабоев А. М.
Отажонов А. Р.
Отажонова Р. Х.
Отамуродов Р.
Очилов А. Д.
Пак В. Б.
Паряева Г. С.
Пирназаров З.
Подшоева М. И.
Попов Р. А.
Ражабов Р.
Ражабова М. С.
Ражабова Д.
Ражабова У.
Расулев У. Х.
Расулев Ю. С.
Раҳимов А.
Раҳмонов Б.
Раҳмонов Р.
Раҳмонова Г. Р.
Рашидов Т.
Рўзиев Р.
Рўзметов М.
Рўзиев Э. М.
Рустамов Б. М.
Соатов Т.
Собиров М.
Сажнев Ю. М.
Санджонов И. С.
Саидов К.
Сайдалиев С. Д.
Сайдаҳмедов Ш. М.
Сайдуллаев М. Г.
Сайидкаримов С.
Салоҳиддинов М.
Солиев В. Ҳ.
Солиҳов А. М.
Санақулов Б.
Сарсенов М. А.
Сатторов А.
Сафаров Р. А.
Сигедин В. Н.
Смирнова Л. Ш.
Солиев Р. Б.
Сотволдиева М.
Сулаймонов П.
Султанов У. Т.
Тожиев А. Х.
Тожибоева А. Т.
Тойлоқов С.
Таранторова В. И.
Тошкенбоев А. Х.
Тожиева Ҳ. М.
Тўйчиев К.
Тўлаганов К. Н.
Тўраева З. У.
Турдиалиев Б. Т.
Турдиалиев И.
Турдиев Ж.
Тўрабеков А.
Турсунов М. Н.
Турсунов Э.
Тўхтамуродов А. Б.
Тўхтасинова С. А.
Туялиева Н.
Умарбеков Ў. Р.
Умаров Н. Ш.
Умарова М. С.
Усатов Д. А.
Усмонов С.
Усмонов С. Н.
Фозилбеков А. И.
Фозилов Г.
Фуженко И. В.
Ҳожиев Г. Н.
Ҳодиева М. С.
Хайдуров Ю. А.
Харьянов А. П.
Худойбергенова Р. М.
Худойбердиева Ҳ.
Хўжақулов У.
Холдоров С.
Ҳолмирзаев К. Ҳ.
Чекмарев В. А.
Чжен В. А.
Чорнев Л.
Шоабдураҳимов Ш.
Шабанова А. Г.
Шоғуломов И. Ш.
Шамсиев М.
Шапиев А.
Шарипов М.
Шарипов Т. Я.
Юсупбеков Н. Р.
Юсупов А. А.
Юсупов Б.
Юсупов К.
Юсупов О.
Юсупов Э.
Янгабоева Ҳ. Я.
Ўразаев Ш. З.
Қодиров П.
Қаипбергенов Т.
Қорнева Б. Р.
Қаюмов Л.
Қаюмов П.
Қиличов Т. Р.
Қиргизбоева Т. Б.
Қўзибоева М. М.
Қурбонбоева С.
Қурбонов А.
Қурбонова А.
Қутлимуротов С. Е.
Қутпиддинов П.
Қўчқоров М.
Ғонбов Н. Е.
Ғуломов Р.
Ҳайитбоев Э. Қ.
Ҳайдаров З.
Ҳайитов Р. О.
Ҳайитова К.
Ҳайитова Х.
Ҳакимов Б. Ж.
Ҳаққулов К. Ж.
Ҳалилов М.
Ҳамидов Б. С.
Ҳамидов Ж.
Ҳамроев А.
Ҳасанов Г.-К. Б.
Ҳошимов Ў.
Ҳидиров Т. П.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ СОСТАВИ

Абдуллаев Б.
Абдуллаева У.
Абдураззоқов Б. А.
Абдусаломов М. Э.
Адаманов О. К.-С.
Азимов А. М.
Алесич И. П.
Алимов О. А.
Алланазаров Ш. Н.
Альмеев А. В.
Ананьев Г. М.
Арсентьева Н. П.
Асриянц С. А.
Аҳадов Б. А.
Аҳмедова К.
Бабатов И.
Боймиров Т.
Боқибоев Э. Д.
Бибиков И. А.
Гадоев Н. А.
Гусев В. Г.
Есимова Б. А.
Жўрабоев Х.
Журбин Ю. А.
Иброҳимов Ж. М.
Икромов А.
Иноғомов Э. Р.
Исматов М.
Йўлдошев Ш. М.
Капитонов Б. М.
Каримова М.
Красковский С. В.
Лихин А. Л.
Мамадалиев А. Х.
Маматазизов М.
Марин Н. И.
Машарипов Т.
Маркицкий Д. А.
Мирқосимов М. М.
Молдабекова Ж.
Муҳиддинов Н. А.
Мухторов А. Ғ.
Набиев К. Ж.
Норматов Ж.
Ниғматов К.
Ниёзов Ш.
Норов Н.
Отахонов М.
Пармонов О. Д.
Плотников В. А.
Расулов М. М.
Рафиқов К. М.
Рафиқова Р. Х.
Раҳмонов Э. А.
Соқиев К.
Саримсоқов Р. К.
Сатторов Х.
Сафоев Р. А.
Стряпшева Н. В.
Суннатов И.
Тошпўлатов М. С.
Тўражонова Х. Ю.
Умеров Н. А.
Файзиев Ш. М.
Федоринов И. И.
Ҳасанова Ф. М.
Ҳўжаева С. А.
Честних Г. П.
Шалупов В. А.
Шоёқубов Т.
Ширинов Х. Ш.
Юнусов Ф. М.
Юсупов Ш. Ф.
Қурбонов Г.
Ғиёсов Ш. С.
Ғуломов С. С.
Ҳабибуллаев П.
Ҳожимуротов Ш.
Ҳайитова Ҳ. Ш.
Ҳакимова С.
Ҳакимов Э.
Ҳамроқулов В. Э.
Ҳолматов О.
Ҳусанбоев Б. Д.

КПСС XXVIII СЪЕЗДИГА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА САЙЛАНГАН ДЕЛЕГАТЛАР

Абдуллаев К.
Абдураҳмонов Д.
Абдураҳмонов П. М.
Абжалов Т.
Абобакиров О. О.
Авазов Н.
Азизхўжаев Д. Т.
Айдарқулов А. А.
Айнабекова М.
Акбаров А.
Алимова Ҳ.
Алламуродов Б. А.
Анохин А. М.
Аҳмедов Р. С.
Аҳмедова Н.
Бабичев В. С.
Баранова Р. М.
Бектурдиев Б.
Белоусов И. С.
Бердиев Х. Э.
Берков Д. Д.
Болтабоев Б. Т.
Вентланд О. Э.
Галкин Ю. К.
Гатаулин Ш. Қ.
Гаязова А. А.
Гелдиева М.
Глубокий А. В.
Голов Д. Г.
Грабилин В. Г.
Григорян Г. А.
Гришчук В. Г.
Давлатова Ш.
Евтеев А. И.
Емельянов Ю. С.
Есеев Х.
Ефимов А. С.
Ешимбетова Т. А.
Ёдгоров Д. С.
Ёқубов О.
Ёқубов Н. Н.
Жамилова Г. М.
Жобирова С.
Жумаев А.
Журавлев В. Н.
Жўрабеков И. Ҳ.
Жўраева С.
Зайцев В. И.
Зокиров У. М.
Зорин В. Ю.
Иброҳимов А.
Иброҳимов М. И.
Искандаров А.
Исроилов К.
Исроилов Ф. А.
Йўлдошев Х.
Йўлдошев Ш. М.
Каримов И. А.
Комилов М.
Котоврасов Г. Д.
Кочмарик И. А.
Крушельницкий В.А.
Мавлонов А. А.
Мавжудова Г. Н.
Маматова Р.
Мамедов И.
Маллабоев А. М.
Мамарасулов С.
Маҳмудов В. М.
Менглиев Т.
Мирсандов Ш. Р.
Моргасов А. С.
Музаффарова М. Г.
Муллабобоева К. М.
Мўминов М.
Муродова С. Х.
Муродов К.
Мурхонов У.
Мусабекова Д. Н.
Мусаева А.
Муҳамадиев Ш.
Мухторов А. Ғ.
Носиров А. Н.
Нормуродов А.
Ниетуллаев С. Д.
Нурбоев М.
Олейник А. Н.
Олимов У. З.
Олимов Э.
Омонов Ш. Б.
Ортиқов И.
Отажонов А. Р.
Отажонов Р.
Отаев Х.
Павлов А. С.
Павлов В. С.
Полвонова М. Р.
Пахотин А. П.
Пирназаров З.
Плотников В. А.
Похряева З. Л.
Примқулова М.
Раниржонов К.
Расулов М. М.
Раҳмонов Р.
Раҳмонова М.
Рўзиев Р.
Рисбеков М. М.
Савриева Б. А.
Сажнев Ю. М.
Сайдалиев С. Д.
Салабоева Г. В.
Салагаев Р. Ҳ.
Салоҳиддинов М.
Санақулов Б.
Сатинбоев Г.
Сафаров Р. А.
Сафарова М.
Сигедин В. Н.
Суярова Р.
Тожиев А. Х.
Тожиев Б. Д.
Тулепов А.
Турғунова Г.
Турдиев Д. С.
Турсунов Э.
Убайдуллаев Х.
Умаров А. Н.
Усмонов С.
Усмонов Ш.
Фозилбеков А. И.
Фозилов Г.
Харьянов А. П.
Хатамов Н.
Хидиров Т. П.
Холмирзаев К. Х.
Холхожиева Т. К.
Хўжаниёзова Г. Д.
Худойбергенова Р. М.
Худойқулов Д. Т.
Шабанова А. Г.
Шаева Р. Ш.
Шаманов Н.
Шодиев Ш. К.
Эргашев Б. К.
Эргашев С.
Эшбоев А.
Юсупов Э.
Қаҳҳорова Р. К.
Қиличов Т. Р.
Қодиров К.
Қодиров Р. С.
Қодирова К. З.
Қосимов Б. Э.
Қурбонов Ш. С.
Ғуломов Р.
Ҳакимов Б. Ж.
Ҳамидов Ж.
Ҳасанов А.
Ҳолиқова М.
Ҳошимов Ў.
Ҳусанов Р. З.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокаралар

«Шарқ Юлдузи» журналининг бош муҳаррири

Ў. ҲОШИМОВ нутқидан

Тобе одамнинг шиори ғалати бўлади. «Мен кичкина одамман, мен учун катталар ўйласин. Мен ҳеч нимага жавоб бермайман, мен учун катталар жавоб берсин». Оддий ва даҳшатли мантиқ!

Сталин замонида чуқур илдиз отган тобелик турғунлик йилларида деярли ўзгармади ва, ростини айтганда, бугун ҳам давом этяпти. Биз ўзимизнинг ночорлигимизни чиройли шиорлар билан хаспўшлашга ўрганганмиз. Яқин-яқинларда ҳам ғалати шиорлар бор эди. «План — қонун, мажбурият — виждон!», «Оқ олтинни олтин қўллар яратади!».

Молхонадан фарқ қилмайдиган шийпонда ўтириб, даладан заҳар ҳиди анқиб турган паллада гўштсиз шўрва ичаётган пахтакор, сассиқ ҳовуз бўйидаги дарахтга осилган қоп беланчакдан боласини олиб эмизаётган ночор хотин бу шиорларни кўрганда нимани ўйлади экан? Ҳеч нимани ўйламаган! Ўйлашга вақти бўлмаган. Чунки у тобе эди, муте эди, қул эди!

Ахир, план дегани пастдан эмас, юқоридан, ҳатто энг юқоридан келар эди-ку. Деҳқонлар уни бажаришга мажбур эди-ку? Йил бўйи оғир меҳнат қилиб, эвазига сариқ чақа ҳам олмайдиган, этигини пайтава баҳосига сотадиган пахтакор миқ этолмасди. Негаки, унинг қонида таъзимкорлик психологияси бор.

«Ўзбек иши»дан ваҳимага тушган айрим раҳбарлар жумҳуриятимизни «кадрлар билан мустаҳкамлаш» учун шошилинч чоралар кўрдилар. Обкомлар, райкомлар, ижрокомларга «ҳалол ва принципиал» раҳбарлар таклиф этилди. Узоқ-узоқдан келган ушбу «кадрлар»нинг аҳволини тушуниш қийин эмасди. Бу ўртоқлар «бошдан-оёқ айниб кетган», «жиноят маконига айланган» Ўзбекистонга худди жазо чорасини ўтаётгандек келишга мажбур бўлдилар. Шу тариқа кузбасслик кўмирчи бухоролик чўпонга эшак минишни ўргатди, Узоқ шарқлик баликчи андижонлик пахтакорга гўза суғоришдан дарс берди. Қани мантиқ?

Булар ижтимоий ҳаётдаги гаплар. Маънавий ҳаётда нима бўлди? Бу соҳада ҳам аҳволимиз ўзига яраша кечди. Биз зўр бериб ўтмиш меросимизни қоралашга ҳаракат қилдик. Бобур ва унинг авлоди ҳақида ҳикоя қилувчи роман, «Темур тузуклари» асари ва ҳатто шу йил «Шарқ юлдузи»да эълон қилина бошлаган Қуръон таржимаси ҳам дунё юзини осонликча кўргани йўқ.

Инсоф билан айтганда, сўнгги пайтларда жумҳуриятимизда талай ишлар қилинди ва қилиняпти. Кўп болали оилаларга нафақани ошириш, мактаб ўқувчиларини овқатлантириш, деҳқонга томорқа бериш, тил ҳақидаги қонун, одамларга виждон, яъни дин эрки берилганлиги — буларнинг барчаси халқ дилида эзгуликка умид туғдирмоқда. Бироқ ҳали ҳам марказнинг зилдек юки елкадан босиб ётибди. Ўзбекистон ўз бойликларини ўзи тасарруф қилади, деган гап қоғозда қолиб кетяпти.

Шоир айтганидек, мен ёнмасам, сен ёнмасанг, у ёнмаса, ким ёнади, ахир? Жумҳурият қисматини ҳарчанд ташаббускор ва жонкуяр бўлмасин, ёлғиз Президент-у, бош министр ҳал қила олмайди. Шундай масалалар борки, уларни рўёбга чиқариш учун ҳамма баравар ёнмоғи керак.

Менинг амалий таклифларим, жумладан, қуйидагилардан иборат:

— Съездимиз СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС XXVIII съезди олдига «ўзбек иши» деган ҳақоратли тамғани расмий равишда олиб ташлаш масаласини қўйсин.

— Гдлян ва Ивановлар гуруҳи мазкур ҳаром ном билан аталмиш иш бўйича қанча бегуноҳ одамларни қамаган бўлса, ҳар биттаси учун жавоб берсин.

— Модомики Бутуниттифоқ ташкилотлари Оролни сақлаб қолиш масаласида амалий ишга ўтмаётган экан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон биргалашиб ҳаракат бошлашига, бу масалани марказга ҳамкорликда, қатъият билан қўйишга тўғри келади. Съездимиз мазкур жумҳуриятларга бу ҳақда мурожаат қилса, ёмон бўлмасди.

— Ўзбекистон суверен республика сифатида ўзининг миллий бойликларини ўзи тасарруф қилиши қоғозда эмас, амалда рўёбга чиқиши учун ҳаммамиз ёрдам берайлик.

— «Малакали кадрлар» баҳонасида жумҳуриятимизга четдан ишчи кучлари олиб келиш тўхтатилсин.

— Баъзи иқтисодчиларнинг бозор системаси сиёсати ярим аҳолиси, яъни 9 миллионга яқин киши қашшоқ яшайдиган Ўзбекистонга мутлақо мос келмайди. Бундай сиёсат жумҳуриятимиз аҳволини оғирлаштириб қўйиши, халқ ўртасида норозилик туғдириши мумкин.

— Хива районидан делегат сифатида яна бир таклифим бор: Хива яқинидан Тошовуз канали ўтяпти. Канал ишга тушса, мамлакатимиздаги иккита музей шаҳардан бири — Хива қисқа фурсат ичида вайрон бўлади. 2500 йилдан бери жаҳонни лол қолдираётган, офатлар-у қирғинлардан омон қолган тарихий обидаларимиз бизнинг замонда ер билан яксон бўлади. Делегат ва коммунист сифатида, ёзувчи ва инсон сифатида бу ишга бефарқ қаролмайман ва қатъий илтимос қиламан. Қардош Туркманистон билан баҳамжиҳатликда канал қурилиши тўхтатилса, яхши бўлур эди.

Жиззах вилояти Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхоз звеносининг бошлиғи

Н. В. СТРЯПШЕВА нутқидан

Ҳозир жумҳурият меҳнаткашларининг эътибори бизнинг съездимизга қаратилган. Одамлар унинг қарорларини муштоқлик билан кутишмоқда, чунки ўз тақдирларини шунга боғлиқ, деб ҳисоблашяпти. Халқ партиямизга ишонади. Мирзачўл коммунистлари ва партиясизлари ҳисобот ва сайлов давомида КПССга тўла ишонишларини ва уни қўллаб-қувватлашларини намойиш этдилар.

Улар КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини муҳокама қилиб, партия жамиятдаги ўз пешқадамлик мавқеини сақлаб қолиши мумкинлиги ва шундай қилиши лозимлиги ҳамда буюк Ленин асос солган социалистик ғояларга янги руҳ бағишлаши керакligи хусусида амалда якдил фикр билдирдилар.

Айни пайтда КПСС Устави лойиҳасидаги демократик централизм принципларининг ноаниқлиги, бу эса партия нуфузини оширмаслиги ва чуқур қайта ишлаб чиқишга муҳтож экани тўғрисида жиддий танқидий фикрлар билдирилди.

Мамлакатда бошқа катта ижобий ўзгаришлар билан бирга авж олган қайта қуриш муайян мураккабликларни ҳам вужудга келтирди. Бир томондан, ўнлаб йиллар давомида тўпланиб келаётган муаммолар қалқиб чиқяпти, бошқа томондан эса — мавжуд қийинчиликлардан, ҳал этилмаган масалалардан ўзларининг тор, ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб, миллатлар ва элатлар ўртасида ишончсизлик уйғотаётган экстремист унсурлар вазиятни беқарорлаштирмоқда.

Районда ва вилоятда миллий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти: турли миллат вакиллари ўртасида мунозаралар, учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда, маданият марказлари ташкил қилинмоқда, ўзаро делегациялар юборилиб, тажриба алмашилмоқда. Турли халқ байрамлари ўтказилмоқда, кутубхоналарнинг миллий тилларда ёзилган китоблар фонди тўлдирилмоқда, қўриқда истиқомат қилаётган барча халқлар вакилларининг байналмилал туйғуларини ривожлантиришга ёрдам берувчи қадимий халқ анъаналари ва урф-одатлари тикланмоқда.

Буни турли миллат кишилари меҳнат қилаётган бизнинг хўжалигимиз мисолида кўриш мумкин. Мен ўзим русман, совхозда у ташкил қилинган кундан буён ишлаяпман. Менинг бутун ҳаётим қўриқ билан боғланган. Ҳозир ижарачиларнинг байналмилал жамоасига раҳбарлик қиляпман. Бу жамоада руслар, украинлар, ўзбеклар, қозоқлар меҳнат қилишяпти. Ҳамжиҳатлигимиз туфайли ҳар йили пахта майдонининг ҳар гектаридан юқори ҳосил оляпмиз.

Бироқ меҳнат муваффақиятлари одамларни ўз келажаги учун ташвишланишдан холи қилолмаяпти. Айримлар ўзлари анчадан буён яшаб келган жойлардан кўчиб кета бошлашди. Булар асосан ҳалол, виждонли ходимлардир. Бу аввало, жумҳурият ҳар бир фуқаросининг, у қайси миллатга мансуб бўлмасин, осойишталигини таъминлайдиган ишончли ҳуқуқий муҳофазанинг йўқлиги билан боғликдир.

Ҳис-хаяжонлар билан, митинглар ёрдамида бу муаммони ҳал этиб бўлмайди. Аниқ позициялар, амалий ёндашувлар ва ҳаракатлар керак, бу аввало Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тааллуқлидир.

Мирзачўл ва Жиззах чўлининг ўзлаштирилиши байналмилаллик руҳида тарбияловчи катта мактаб бўлди. Қўриқда минглаб ишчи ўринлари ташкил қилинган, миллиондан зиёд аҳоли яшаяпти. Бу жумҳуриятнинг аҳоли зич жойлашган районларидаги ижтимоий кескинликни бир қадар юмшатди.

Бу ер Фарғона водийсидан ва қўшни вилоятлардан келган кўпгина одамлар учун иккинчи ватан бўлди. Бироқ Ўзбекистон халқ хўжалигини мамлакатнинг хом ашё базаси сифатида ривожлантиришдаги катта нуқсонлар амалда саноатга эга бўлмаган Жиззах чўлига жиддий таъсир кўрсатди. Бизда халқ истеъмол моллларини ишлаб чиқариш Ўзбекистон бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан 3 баравар, мамлакатдагига нисбатан 7 баравар кам. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 98 фоизи қайта ишланмасдан вилоятдан ташқарига олиб чиқиб кетилмоқда.

Айни пайтда ҳатто бизнинг Мирзачўл районида ҳам қарийб 2 минг одам, вилоятда эса 33 мингдан зиёд киши ишсиздир. Ҳолбуки, Жиззах чўли катта имкониятларга эга. Биз 13-беш йиллик плани лойиҳасида ўзлаштириш учун камида 30-35 минг гектар янги ер ажратилиши, бу ерларда бир йўла ишчи ўринлари ва ижтимоий инфраструктура яратилиши кўзда тутилишини сўраймиз. Бу, ишсизликни тугатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, областда қайта ишлаш, енгил, машинасозлик саноатларини жойлаштириш ва бунёд этиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, шунингдек йирик саноат корхоналари барпо этиш масалалари кўриб чиқилиши зарур.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида. В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Халқ биздан, коммунистлардан жумҳуриятда тартиб ўрнатиш, партия, давлат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш участкалари учун коммунистларнинг масъулиятини ошириш юзасидан қатъийроқ ҳаракатларни кутмоқда.

Меҳнаткашлар митинглардаги сафсатабозликдан чарчашди. Ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва жумҳурият ҳукуматининг халқ фаровонлигини яхшилаш учун қилаётган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Бунда қишлоқ меҳнаткашларини қўшимча томорқа участкалари билан таъминлаш, кўп болали камбағал оилаларга, ногиронлар ва пенсионерларга ёрдам қилиш, қуйи синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш ва ҳоказолар назарда тутилмоқда. Қадимий халқ байрамларини, анъаналарини, маданий қадриятларини тиклаб, жамиятдаги маънавий-психологик муҳитни янада мустаҳкамлаб бориш зарур.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси

Б. Р. ҚОРИЕВА нутқидан

Гарчи сиёсий маъруза жуда сермазмун бўлиб, раҳбар куч бўлган партия нуқтаи назаридан съездлар ўртасидаги халқ ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган бўлса ҳам мен дарҳол маданият ҳақида гапирмоқчиман.

Шуни таъкидламоқчиманки, биз ишонган, биз интилган кўпгина қадриятлар энди йўқ, барчаси вайрон бўлган, булар ўрнига янгилари таклиф этилмаган. Ока тили, миллий тилни давлат тили деб белгилаш муҳим бўлди. Лекин ахлоқодоб тили, ҳуқуқ ҳақида гапириш, маънавий қадриятларни муҳофаза этиш, инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ўзига ва бошқаларга нисбатан иззат-ҳурматда бўлиш бундан ҳам муҳимроқдир, бундай таҳчилликларни ҳисоб-китоб қилиб бўлармиди!

Қайта қуришнинг шу даврида мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз раҳбарларининг маърузаларида театр мавзуси тилга олинаётгани йўқ. Бу ҳақда гапиришаётгани йўқ. Мабодо сўз очилса ҳам театрлардаги сира чидаб бўлмас маънавий психологик муҳит билан боғламоқдалар. Кимдир нимадандир, кимдандир норози, албатта ва бунинг учун баҳона ҳам тайёр. Ижодий уюшмамиздаги ижобий ишларга баҳо бериш учун асос йўқ, албатта. Аммо театр илм-фанимизга қулоқ солади, бу илм-фан эса Ўзбекистон ССР тараққиётидаги сезиларли тушкунликни таъриф-лаб беришдан бунинг сабабларини муаммо қўйиб ўрганишга жуда хадиксираб ўтмоқда. Томошабин театрга келмай қўйган ва раҳбарият ҳомийлик қилмаётган бир пайтда театрлардаги мушкулотлар тўғрисида очерклар зарур. Илмий асарларни қайта кўриб чиқиш лозим, чунки уларнинг 90 фоизи рус тилида нашр этилмоқда, ўзбеклар эса ушбу китобларни ўқишаётгани йўқ. Давлат театрларини қайтадан тузиш ҳамда касб-кори санъаткор бўлган кишилар ишлайдиган театр-студиялар, истеъдодли одамларнинг рисоладагидек яшаши учун кафолатлар тўғрисида иқтисодчиларнинг, социологларнинг жиддий хулосалари зарур. Агар шаҳарга, вилоятга театр зарур бўлса, шу даргоҳнинг харажатларини кўтариш, унинг ишини ривожлантириш, ҳақиқий раҳбарларни қидириш ёки шартнома тузиш зарур.

Маълумки, жаҳондаги барча театрлар моддий ёрдамга муҳтож. Шунинг учун ҳам гап театр ишини жиддий тарзда таҳлил этиш ҳақида бормоқда. Бошқарувнинг қарор топган системаси давлат театрининг барқарорлигига олиб келди. 70-йилларнинг охиридан бошлаб театрнинг янги модели шакллана бошлади. Масалан, «Илҳом» театр-студияси пайдо бўлди. Бу санъат даргоҳининг дастлабки муваффақиятлари собиқ бошлиқларни ҳижолатга қўйган эди. Эндиликда бу саҳна аҳли қайта қуришнинг биринчи сафларида бормоқда. Ҳозир давлат театрларининг обрў-эътибори тўғрисида, ўзбек артистининг обрў-эътиборини кўтариш ҳақида ўйлаш лозим. Дарҳақиқат, Москва, Ленинград, Новосибирск саҳналарини Раъно Каримова, Рустам Тўхлиев, Алла Оллобердиева сингари бизнинг артистларимиз безатиб туришибди-ку. Нега энди улар кетиб қолишди? Бунга қизиқувчилар бўлдими? Агар ўзимизнинг саҳнамиз бундан зарар кўрмаганида бу санъаткорлар билан фахрланса арзирди. Санъаткорнинг турмуши ҳақида ҳеч ким ғамхўрлик қилмаса ҳам, иш ҳақи амал-тақал қилиб кун кўришгагина етса ҳам актёрлар жон-жаҳонларини тикиб саҳнага интилаверадилар.

Одамлар театрга ҳаёт булоғидан баҳра олиш, ҳаётнинг сир-синоатларини билиш учун келадилар. Томошабин эса театримизни тарк этмоқда.

Театрларимиз томошабин кетидан қувиб, молиявий планни ошириб бажараман, деб баъзан эса аслида томошабин театрга қадам қўймаган бўлса ҳам, минг-минглаб одамлар томошахонага қадам ранжида қилдилар, деб рапорт бериш учун шаҳарма-шаҳар кезиб юрибдилар. Илгари бўлганидек ҳозир ҳам маданият бўлимлари, комиссиялари, комитетлари, бошқармалари ушбу ҳисоботларни қабул қилиб олмоқдалар.

Алишер Навоий номидаги кутубхонанинг ҳозирги аҳволини кўриб, биз ҳаммамиз уялиб кетамиз. Бутун ер юзидаги халқлар миллатимизнинг кўҳна ва жуда бой маданияти билан танишиш учун юртимизга келишса-ю, миллатимизнинг кутубхонаси шу аҳволда бўлса. Наҳотки, оримиз келмайди. Наманган-гандаги область музиқали драма театри Москвада томоша кўрсатмоқда, Бухоро қўғирчоқ театри эса ўз спектакли билан Польшадаги фестивални очмоқда. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Бу театрлар диёримиздан анча нарида жумҳуриятимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Уларни қўллаб-қувватласак, улғайтирсак кўп хайрли иш қилган бўлардик. Бунга эса пул керак. Ҳозир эса бозор иқтисодиётига ўтаяпмиз, бозор эса даромадни талаб қилади. Маданиятга-ку ҳозир кўп маблағ сарфланаётгани йўқ, лекин шундан ҳам ажраб қолмасак эди. Шунинг учун ҳам маданият тўғрисида қонун зарур, шуни ҳисобга олайликки, маданият фақат театрлар, мусиқа ва кутубхоналаргина эмас. Бутун туриш-турмушимиз, тарбия ва ўзаро мулоқотимиз ҳам маданиятдир, афсуски, гўзаллик ва нафосат йўқолиб бормоқда. Қўполликка эса ҳар куни дуч келамиз. Кўчаларимиз ифлос, тириқчилик тоши эса бошимиз узра айланиб турибди. Шифохоналар юқумли дардга чалинган одамлар билан тўлиб-тошган, музейларга келувчилар эса оз.

Аммо жумҳуриятимиздаги ўзгаришларни сезмаслик ҳам адолатдан бўлмас эди. Халқ турмушини яхшилашга қаратилган ҳар бир дадил ва қатъият билан кўрилган тадбир партиямизнинг анча путурдан кетган обрўсини аста-секин тиклайди. Биз меҳнаткаш ва оқ кўнгил халқмиз, жондан азиз ўлкага, севимли юртга ҳаддидудсиз садоқатни, завол билмас туйғуларни асрабавайлаш учун, ўзбек халқининг руҳи ва ишончига мадад бўлиш учун ана шу тадбирлар ниҳоятда зарур.

Сирдарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби

А. А. АЙДАРҚУЛОВ нутқидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий маърузасида жумҳуриятимизнинг ижтимоий ҳаёти қатъий илмий таҳлил этилган. Иқтисодий танглик сабаблари очиб ташланган. Ҳозирги куннинг ўткир муаммолари хусусида Марказий Комитетнинг позицияси аниқ-равшан белгиланган. Ниҳоят, энг асосийси — ана шу муаммоларни ҳал этишнинг йўллари, усуллари ва воситалари таклиф этилмоқда. Жумҳуриятдаги иқтисодий танглик — ниҳоят қолоқ ишлаб чиқариш муносабатлари, буйруқбозлик системаси, маъмуриятчилик тазйиқининг оқибатидир. Бу жумҳуриятни бутун иттифоқнинг хом ашё манбаига айлантириб юборган бемаъни структура сиёсатининг натижасидир. Сирдарё вилояти партия ташкилотидан сайланган делегатлар жумҳуриятимизнинг бутун иқтисодиётидаги структуравий бузилишларни ўнглаб олиш учун даставвал, махсус программа ишлаб чиқишни таклиф этмоқдалар. Шартли тарзда ушбу программани «структура» деб аташ мумкин бўлур эди. Марказий Комитетнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан қайтадан сайланган комиссияси шу режанинг концептуал негизлари тўғрисида ўйлаб кўриб, сўнгра буни Министрлар Кенгашига тақдим этиши мумкин бўлур эди.

Энди бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида гапирмоқчиман. И. А. Каримов маърузасида ССР Иттифоқи ҳукумати шоша-пиша кўраётган тадбирлар хусусида баён этилган таҳликани мен илғаб олдим. Бу таҳлика асосли деб ўйлайман, ахир, бизни ўз-ўзидан келиб чиқадиган тартибсизликлар қаъ-рига ташлашмоқчи-ку.

Иқтисодиётимизнинг ночор аҳволини кўриб, шунга ишончимиз комил бўлдики, бозор ҳақиқатдан ҳам зарур, албатта. Бозор муносабатларига ўтишдан ўзга йўл йўқ. Аммо нарх ислоҳотининг бунга нима алоқаси бор. Ахир, бозор жараёнида нарх белгиланиши керак-ку. Биз эса яна телба-тескари иш қилмоқдамиз. Ва ишимиз юришиб кетади, деб ўйлаймиз. Бизда нарх ислоҳоти бир неча марта ўтказилган эди, лекин булар бозор иқтисодиётига олиб келгани йўқ. Биз шуни уқиб олишимиз керак. Шунинг учун ҳам съездда баён этилган бозор иқтисодиётига ўтиш хусусидаги ҳукумат программаси юзасидан махсус резолюция қабул қилиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайман.

Об-ҳаво айниса, хонадон соҳиби эшик-эликни ёпиб, қўр-қутни кўпайтиришга тушади. Биз ҳам озиқ-овқатни жумҳуриятдан нарига ташиб кетишни чеклаб тўғри иш қилдик. Лекин Министрлар Кенгашининг Тошкент шаҳрида паспортга қараб савдосотиқ қилиш тўғрисидаги қарори пухта ўйлаб чиқарилганмикин? Ахир Москванинг аччиқ тажрибаси борку. Янги қоидалар туфайли шундай норозилик тўфони кўтарилиши мумкинки, уни тўхтатиш сира осон бўлмайди. Биз вилоятлар, шаҳарлар ва районлар аҳли ўртасига, пойтахт аҳолиси билан Тошкент атрофидаги посёлкалар, қишлоқлар ва район марказлари аҳлининг ўртасига совуқчилик тушириб қўйишимиз мумкин. Ҳойнаҳой, ўртоқлар, шу ҳақда ўйлаб кўришимиз керак бўлади. Вақт ғаниматида аҳволни ўнглаб олишимиз лозим бўлар.

Мана қарийб бир йилдирки, жумҳуриятимизда кучли иқтисодий ва ижтимоий сиёсат ўтказилмоқда, бу сиёсат дастлабки самараларини бераётганини кўриб турибмиз. Безовта бўлиш учун арзигулик баҳона йўқдек ва ижобий жараённи тўхтатадиган куч йўқдек туюлади. Лекин ана шундай аҳолида куч ҳар қалай бор. Бу миллатлараро кескин вазиятдир. Агар биз жумҳурият халқлари ўртасига совуқчилик солсак, бутун меҳнатимиз зое кетади.

Ўзбекистон ҳудудида миллатлараро нифоқ ёнғини чиқмаслиги учун барча ишларни қилиш керак. Бунинг оқибатлари қандай бўлишини ҳаммамиз биламиз.

Сирдарё вилоят партия ташкилоти миллатлараро муносабатлар масалаларини ижтимоий сиёсатни яна ҳам кучайтириб ҳал этишни таклиф қилади.

Мафкуравий ишни кескин кучайтириш лозим бўлади, ҳар бир одамнинг кўнглига йўл топиб, халқлар ўртасидаги адоват ҳалокатли йўл эканини уқтириш, шунга ишонтириш даркор.

Бизнинг вилоятимиз партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини умуман маъқуллайди, аммо ушбу ҳужжатлар шоша-пиша тайёрланганлиги сезилиб турибди. Кўпгина қоидаларда замона зайли акс этиб турибди, буларда марксизм-ленинизмнинг принципиал позицияларидан чекинилган.

Ҳаракат дастури лойиҳасида, негадир 1985 йилгача босиб ўтилган йўл теран таҳлил этилмаган. Баҳо берилган бўлса ҳам бу салбий баҳодир.

Энди Устав лойиҳаси ҳақида гапирмоқчиман. Назаримда, бу лойиҳа атайлаб, интизомни барбод этишга, партияни тўғридан-тўғри бўлиб ташлашга ва уни пароканда этишга қаратилгандир. Ленин партия сафларининг поклиги ва мустаҳкамлиги учун курашган эди.

Эндиликда эса биз истасам партияга кираман, истасам чиқиб кетаман қабилида йўл тутишни таклиф этмоқдамиз.

Съездимизда биз барча позицияларни аниқ-равшан белгилаб олишимиз керак. Партиядаги ишларнинг аҳволи ниҳоятда мураккаб. Гарчи биз жипслашиш учун барча ишларни қилишимиз лозим бўлса-да, эҳтимол, партия бўлиниб кетар.

Биз КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюро, Марказий Комитет Секретариати жиддий чоралар кўришмаётганига тушунолмай турибмиз, қандайдир иккиланиш, журъатсизлик, ноизчиллик сезилиб турибди.

Ўртоқлар, мен шу минбардан туриб вилоятдаги барча коммунистларнинг таҳликага тушаётганини баён этяпман. Коммунистлар, позицияларни бундан буён ҳам бой бераверишимумкин эмас, чунки у ёғи сиёсий жарликдир, демоқдалар. «Биз халқ учун курашаяпмиз» деб таъкидлаб, аслида ҳокимият учун курашаётган кучларга ёнбосишимиз мумкин эмас.

Жамиятни барқарорлаштиришга эришиш бизнинг асосий мақсадимиздир. Буни ҳал этиш учун жамоатчилик фикрини тўлароқ ҳисобга олиш керак. Барча соғлом кучлар билан жипслашиш зарур.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

П. ҚОДИРОВ нутқидан

Съездимиз жуда яхши бошланди ва яхши давом этяпти. Мен бир тарихчи, 40 йилдан бери ижод соҳасида қалам тебратиб, ҳаётни ўрганиб келаётган бир қаламкаш сифатида шуни айтмоқчиманки, бугунги съездимиз тарихимизга жуда катта бурилиш даври бўлиб киради.

Миллатлараро муносабатлар ҳақиқатан ҳам биринчи даражали масаладир. Меҳнаткаш халқларнинг доимий интилиши — тинчлик, муроса, биродарлик бўлиб келган. Уларни тўқнаштириш — бу ҳамиша таъмагир, амалпараст, ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўядиган кучларнинг ишидир. Ана шу кучлар ўтмишда, шахсга сиғиниш даврида бутунбутун халқларни тарихий ватанларидан жудо қилиб, мана масалан, бизнинг Ўзбекистонга Қримдан, Кавказдан, Узоқ Шарқдан қанчадан-қанча миллатлар кўчириб келинди, ўшанинг оқибатида маълум бир тарангликлар бугунги кунда ҳам келиб чиқяпти.

Масалан, Тошкент—2000 йиллик шаҳар. Урушдан олдин 80 фоиз ерли аҳоли — ўзбеклар эди. Ҳозир қаранг, ярмидан оз бўлиб қолган. Албатта, аҳоли ўсган, бу ёғи бор, ўзбеклар камайгани йўғу, барибир мана шу нарсанинг ўзи чет элдаги муҳолифларимизга «руслаштириш» деган тамғани босиш имконини беряпти. Ёинки, Зарафшон шаҳримизни олинг, Навоий шаҳримизни олинг. Ўша ерга келиб, ишлаётган одамларнинг ҳеч қайсиси бунинг учун жавобгар ёки айбдор эмас.

Бу — ўша нотўғри сиёсатнинг оқибати, энди мен бунинг ҳаммасини дарров тузатишимиз керак, деяётганим йўқ. Лекин бу ҳолат миллатлараро муносабатларда мушкулликларни келтириб чиқаряпти. Бунинг олдини олишимиз керак, тўқнашувларга олиб бормаслиги учун яхши, адолатли сиёсат юритилиши керак. Марказий Комитетимизнинг докладида айтилган миллий кадрлар тайёрлаш режаси — жуда улкан иш, бу ерда ҳеч қандай миллатчилик йўқ. Энди гап шуни қандай амалга ошириш-да қолган.

Маҳаллий аҳоли орасидан билимдон кадрларни тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш лозим. Ҳозир бизда корхоналарда бунинг учун ҳамма шароит мавжуд. Масалан, «Алгоритм» заводида, Наманган машинасозлик заводида, Тошкентдаги бошқа корхоналарда миллий кадрларни тайёрлашга яхши эътибор берилганини кўриш мумкин. Қаердаки шунга эътибор берилмай келинган бўлса, ўн йиллар давомида ўша ерда ҳақиқатан ҳам кадрлар етишмайди.

Шаҳарлардаги катта корхоналарда ерли аҳолидан кадр тайёрлайдиган тайёрлов бўлимлари бўлиши керак. Уларда мутасадди одамлар, масалан, тилни биладиган инженерлар, мутахассислар дарс бериши керак. Раҳбариятда албатта миллий кадрларни тайёрлашдан астойдил манфаатдор бўлган кишилар ишлаши керак. Шундай қилмасак, миллатлараро муносабатлардаги кескинликнинг олдини ололмаймиз, ўртоқлар. Чунки ишсизлик муаммоси ижтимоий сабаб сифатида муш-кулликни келтириб чиқараяпти.

Энди иккинчи бир масала: қишлоқ билан шаҳар орасидаги тафовутлар. Ҳақиқатан, ижтимоий жиҳатдан ойликнинг ҳам пастроғи қишлоқда, таъминотнинг ҳам ёмони қишлоқда. Ҳатто ариқлардан оқиб келадиган кимёвий моддаларга тўла сув ҳам кўпроқ қишлоқларда. Шаҳар аҳолиси учун, масалан, бир кунда 200-300 литргача сув сарфлаш имконияти берилади, бу тоғлардан келган яхши водопровод сувлари. Қишлоқлардаги жуда кўп жойларда эса оқар сув ҳам бўлмайди, машиналарда сув олиб келинади, жон бошига бир кунда 10-20 литр сув тўғри келади. Бу ҳам бир тенгсизлик. Бунинг устига жуда кўп қишлоқларимизда ҳали водопровод йўқ. Жуда кўп одамларимизнинг саломатлигига ўша ичимлик сув сифатининг пастлиги сабаб бўляпти. Сифатсиз сув ирсиятни бузяпти.

Энди маънавий соғлиқ масаласи ҳам бор. Шахсга сиғиниш даври, турғунлик даври маънавиятимизни ҳам жуда кўп касалликларга дучор қилиб қўйди. Энг зўр касаллик тарихимизни билмаслик маҳқуртликдир. Шу касалликдан қутилиш учун биз халқимиз тарихини муфассал ўрганишимиз керак. Бунинг учун тарихчи кадрларни кўплаб тайёрлаш, тарих институтларига кўпроқ эътибор бериш лозим. Бир мисол келтирмоқчиман: партиямиз биз учун ўзининг энг олий мақсадини баён этди, яъни халқ фаровонлигини ошириш — партиянинг энг олий мақсадидир. Партия билан халқ бир деб ҳисоблаймиз.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокаралар

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Жумҳурият партиямизнинг 70 йиллик тарихи бор. Партия тарихи институтининг биноси яхши, 7-8 қаватли улкан бино. Халқимизнинг эса минг йиллик тарихи бор. Партияга нисбатан халқимизнинг сони жиҳатидан олиб қарасангиз, 25-30 маротаба кўп. Масалан, партия тарихининг 70 йиллигида шундай бино қурганимизда мен буни нотўғри деб айтмайман, тўғри. Ахир халқнинг минг йиллик тарихига — 20 миллионлик халқга қандай бино қуришимиз керак? Шуни биз келажакда қилишимиз керак. Ўшандагина биз халқимизнинг тарихий илдизларига оби ҳаёт берган бўламиз. Илдизига оби ҳаёт берилган дарахт жуда тез ривожланади, яхши мева беради. Биз халқимиз равнақини унинг маънавий мевалари кўпроқ бўлишини истасак, унинг тарихий илдизларини авайлашимиз, унга оби ҳаёт бериб туришимиз керак.

Аммо ҳозир бизга қайси мустақиллик муҳимроқ? Партия мустақиллигими ёки давлат мустақиллигими? Менинг назаримда булар бир-бири билан боғлиқ тушунча. Шу сабабли Ўзбекистон Компартиясининг мақомини, унинг жумҳурият сиёсий тузилишидаги ўрни ва мавқеини, унинг дастурини аниқ белгилаш лозим.

Республика кучли иқтисодиётсиз, кучли сиёсий тузилишсиз яшай олмайди. Шу сабабли жумҳуриятнинг раҳбар кадрлари учун яхлит иқтисодий сиёсат зарур. Сиёсий маърузада бу сиёсат яққол кўринибди турибди. Дарвоқе, Ўзбекистон Компартиясининг мақоми тарихий ўтмиш нуқтаи назаридан, мамлакатдаги ҳозирги ва эҳтимол тутилган эртанга ўзгаришларни эътиборга олиб кўриб чиқилиши керак. Бу ҳужжатлар КПСС XXVIII съездидан кейин бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиниши керак.

Мен бугун кўтармоқчи бўлган иккинчи масала жумҳуриятнинг суверенитети масаласидир. Меҳнаткашлар турмушининг ҳамма соҳаларини қамраб оладиган қонунлар мажмуи бу суверенитетни белгилаб бериши маълум. Компартия Марказий Комитети билан республика ҳукумати Ўзбекистон халқи ўз она диёрида тўла ҳокимиятли хўжайин бўлиб қолишига қатъият билан интилмоқдалар. Ер, Мулкчилик, ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги жумҳурият қонунлари ва бошқа қонунлар зудлик билан қабул этилиши зарур.

Марказнинг, маҳкамаларнинг буйруқбозлигига барҳам бериш зарурати алқаҳачон пишиб етилган. Энди бу ишни тез ва асосли равишда қилиш керак. Эҳтимол, бу бирдан-бир соҳадирки, у нақадар тез бартараф этилса, ишларимиз шу қадар юришиб кетади.

Хўш, катта ишлаб чиқариш қудратига эга бўлган Самарқанд вилояти, аслида ҳуқуқсиз аҳволга солиб қўйилганига, у ўз меҳнати эвазига топган маблағни ўзи тасарруф эта олмаслигига қандай қилиб қўшилиб бўлади. Меҳнаткашлар ишлаб топган ярим миллиард сўмдан кўпроқ маблағ турли йўллар билан вилоят ташқарисига чиқиб кетади.

Ҳозир мамлакатда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш дастури кўриб чиқилмоқда.

Бироқ жумҳурият халқ хўжалиги тузилишининг хусусиятлари, оилалар, хўжаликлар, районлар олаётган даромад даражасининг пастлиги, областлар зарар кўраётганлиги, демография вазиятининг ўткирлиги бозор муносабатларининг ўзига хос шаклларини талаб қилади. Ўйлайманки, 5-7 йил мобайнида мана шундай муносабатларга ўтиш лозим. Ҳозир биз жумҳуриятимизнинг дардчил иқтисодиёти нормал ишлашини эркин бозорнинг шафқатсиз қонунлари шароитида таъминлашга руҳий жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам тайёр эмасмиз.

Марказий Комитетнинг ҳозирги Бюроси қисқа вақт ичида кўп иш қилди ва анчагина долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун замин яратди, жуда қалтис шароитда ишлади. Жумҳуриятнинг ҳозирги ҳукуматига келганда шуни айтиш керакки, у юксак масъулият, билимдонлик билан ишламоқда ва қатъий ҳаётий позицияда турибди. Бу эса бизга умид бахш этади.

Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби

П. М. АБДУРАҲМОНОВ нутқидан

Самарқанд вилоят партия ташкилотининг делегацияси съезд арафасида партия йиғилишларини, шаҳар, район партия конференцияларини ўтказди, матбуотда, радио орқали чиқишлар қилди, учрашувлар ўтказди, хуллас, КПСС Марказий Комитетининг съездолди Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаси тевараги-да вилоят коммунистларининг катта машваратини ўтказди.

Кеча кечқурун биз маърузани муҳокама қилиб, кўп ўн йиллар давомида кейинги йилларда бўлиб ўтган воқеа ва жараёнлар ҳаққоний, ҳалол ва инсоф билан баҳоланганлигини биринчи бор эшитдик, деган хулосага келдик. Делегациямизнинг фикрича, маърузада Ўзбекистон Компартиясининг дастури ҳамда унинг ташкилий тузилиши асосий қоидалари ойдинлаштириб берилган, жумҳурият олдида турган вазифалар белгиланган.

Съездда биз Марказий Комитет ва унинг Бюроси фаолиятига баҳо беришимиз керак. Шу давр ичида раҳбарият уч марта ўзгарди.

Биринчи пайт — 1985-1986 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети марказнинг ўн беш йил мобайнида мамлакатнинг иқтисодий қудратини икки ҳисса ошириш ғоясига берилиб, кадрларни ёппасига қувғин қилди. Марказий Комитетнинг XVI пленумидан кейин номсиз кишиларнинг қутқуси билан асоссиз айблар қўйилиб, ўн минглаб партия, совет, хўжалик ходимлари, бригадирлар, мутахассислар эгаллаб турган лавозимларидан олиб ташланди, жиноий ва партиявий жавобгарликка тортилди — уларнинг аксарияти софдил кишилар эди.

Кадрлар беқарорлиги яна давом этди. Бутун-бутун вилоятлар, районлар, идоралар йўқ бўлиб кетди, ишламайдиган янги ташкилотлар, турли-туман территориал ва бошқа бирлашмалар тузилди.

Хўш, булар учун ким жавоб берди? Енгилтаклик ва ҳавойилик сиёсий фожиаларни келтириб чиқариши турган гап.

Шу пайтда мамлакатнинг марказий районларидан кадрларнинг катта десанти туширилди, республиканинг шароитини ҳам, халқнинг урф-одатлари, анъаналари, тилини ҳам, умуман турмушини ҳам билмайдиган юзлаб кишилар раҳбарлик лавозимларига келдилар. Биз ҳаммамиз уларга ҳамду сано ўқий бошладик.

Бу кадрларнинг кўплари обрўларини ўзлари тўкиб қўйдилар. Сизларга маълум бўлган савдо министри Литвиненко жиноятга бориб тақаладиган суиистеъмолларга йўл қўйганида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уни жавобгарликдан қутқариб қолди.

Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазият жуда кескинлашди. Ижтимоий вулқон отилай деб қолган эди, бунга биз ўзимиз сабабчи бўлдик. Ишсизлик, озиқ-овқат ва уй-жой режалари барбод бўлганлиги, пахта яккаҳокимлиги, харид нархларидаги камсиштилар ва турмушимиздаги бошқа кўпгина салбий жиҳатлар — мана шуларнинг ҳаммаси Қувасойдаги, Фарғонадаги ва жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидаги фожиаларга олиб келди.

Ҳозир ҳам бу жароҳатдан қон томиб турибди. Биз Душанбедаги воқеалар кунларида Самарқанддаги фожианинг олдини зўр қийинчилик билан олишга муваффақ бўлдик. Ўша пайтда кўп миллатли вилоятимиз аҳолиси бошига ҳар соат, ҳар он кулфат ва бахтсизлик тушиши мумкин эди. Кулфатнинг олдини қандай олганимизга келажакда баҳо берилар, аммо мен ҳар ҳолда битта асосий шартни таъкидлаб ўтган бўлур эдим, биз соғлом миллий кучларни, айни миллий кучларни жипслаштиришга муваффақ бўлдик. Турли бирлашмалар, жамоат ташкилотлари билан, шу жумладан диний арбоблар билан ҳам баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, мулоқотнинг мулойим усуллари топилди, ўша кунларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қатъий ҳаракатлари ҳам ёрдам берди.

Жумҳуриятнинг ҳозирги раҳбарияти билан боғлиқ бўлган учинчи босқичдагина жумҳуриятимизда катта ўзгаришлар бошланди. Деҳқонлар ер, мактаб ўқувчилари бепул овқат, кам даромадли оилалар дурустгина моддий ёрдам олдилар, миллий маданиятни, тилни, илғор анъаналарни, урф-одатларни, маросимларни тиклаш юзасидан зўр ғайрат билан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг фаолиятини баҳолашда унинг сўнгги йилдаги фаолиятига бериладиган баҳони таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман. Шундай қилиш мутлақо адолатли бўлади. Эҳтимол, биз ҳар ҳолда нима учун, ким қандай жавоб беришини босқичма-босқич белгилаб олишимиз керак.

Биз Марказий Комитетнинг фаолияти хусусида ҳам рўй-рост, жуда аниқравшан фикр билдиришимиз зарур. Бу масала юзасидан умуман Ўзбекистон Компартиясининг позициясини ишлаб чиқиш ва шу позициями КПСС XXVIII съездига маълум қилишни делегатлардан бирига топшириш керак.

Жумҳуриятнинг сиёсий тузилишида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни, мавқеи ва вазифалари қандай бўлиши керак? У мустақил бўлиши, ўз дастурини ишлаб чиқиши, уни амалга ошириш шакллари, усуллари ва йўлларини ҳамда энг муҳими принципларини белгилаб чиқиши керак.

Узсовпроф раиси

Ҳ. АЛИМОВА нутқидан

Очиқчасига гаплашайлик, партия ўзини қайта қуришдаги сусткашлик фақат КПССнинг эмас, шу билан бирга бошқа жамоат ташкилотларининг, жумладан касаба уюшмаларининг обрўси тушиб кетишига асосий сабаб бўлди. Аслини олганда, касаба уюшмалари маъмурий-буйруқбозлик системаси таркибида бўлиб, социалистик мусобақадан тортиб ноёб молларни тақсимлашгача — қандай ишни топширишса ҳаммасини бажариб келди. Бизнинг жумҳуриятимизда эса баъзи жойларда ҳатто ғўзани ўтоқ қилиш ва пилла тайёрлаш учун ҳам касаба уюшмалари жавобгар эди. Меҳнаткашлар бундай касаба уюшмаларидан юз ўгира бошлаганлиги тасодифий эмас.

Касаба уюшмалари жамиятни демократиялаш вазиятида ўзларига хос бўлмаган вазифалардан қатъиян воз кечдилар ва КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасидаги партия касаба уюшмаларини мустақил жамоат ташкилоти, деб билади, деган қоидани ўзининг янги мавқеини маъқуллаш, деб кутиб олди. Шу асосда Ўзбекистон касаба уюшмалари давлат, хўжалик, бошқарув идоралари билан, сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан Конституция доирасида ҳамкорлик қиладилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси жумҳурият барча меҳнаткашлари ғайратларини жипслаштирадиган чинакам сиёсий кучдир.

Касаба уюшмалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан бошланган аҳолининг турмуш даражасини, пенсионерлар, кўп болали оилалар, аёллар, студент ёшлар, уруш ветеранлари турмуш даражасини яхшилашга, ер участкалари ажратиш ва якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантиришга доир йирик ижтимоий режаларни қўллаб-қувватламоқда ва уларни рўёбга чиқаришда иштирок этмоқда. Шу билан бир вақтда келгусида бозор иқтисодиёти жорий этилиши билан боғлиқ вазият касаба уюшмаларида жиддий ташвиш уйғотмоқда. Жумҳурият касаба уюшмаларининг бу масалада тутган мавқеи ВЦСПС баёнотида ва Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгаши VIII пленумининг мазкур масалага доир мурожаатномасида акс этган. Умумхалқ референдуми ўтказилмай туриб, меҳнаткашларнинг манфаатларига ижтимоий кафолат бермай туриб бозор муносабатларига ўтиб бўлмайди.

Яқин-яқин вақтларгача партия комитетлари касаба уюшмалари органларига кўпинча ишни барбод қилган одамларни юборар эдилар. Ҳозирги вақтда аҳвол бироз ўзгарди, лекин ўзаро муносабатларнинг, аввало кадрлар билан ишлашдаги ўзаро муносабатларнинг эскирган шакллари ва усулларидан қутилиш зарур.

Қайта қуришнинг олтинчи йилида касаба уюшмалари кенгашлари ва комитетларининг раислари ҳамда секретарлари, баъзан эса ҳатто бўлим мудирлари партия комитетлари номенклатурасида турган экан, ҳозир касаба уюшмаларнинг мустақиллиги тўғрисида гапириш мумкинми?

Ўтган ҳисобот-сайлов конференцияларида касаба уюшмаларининг кўпгина органлари партия комитетлари тиқиштирган номзодларни кўрсатишга мажбур бўлдилар. Касаба уюшмалари партия комитетлари аппаратларининг ходимлари уларнинг ички ишларига ортиқча аралашишларига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгашининг VIII пленуми Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV съездини муддатидан олдин, шу йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида чақириш ҳамда уларнинг ташкилий структурасини асосли равишда қайта кўриб чиқишга қарор қилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари мамлакат касаба уюшмалари конфедерациясининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши муносабати билан ўз уставини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди, бу устав лойиҳаси маъқулланди ва у кенг муҳокама қилинади. Касаба уюшмаларнинг янги структурасида тармоқ, вилоят касаба уюшмалари кенгашларининг, бошланғич ташкилотларнинг мавқеи ва масъулияти анча ошади, уларга, айниқса кадрлар, молия билан боғлиқ бўлган ҳамда касаба уюшмалари турмушининг бошқа масалаларини ҳал этишда тўла мустақиллик берилади.

Федерациялар жумҳурият кенгаши (бўлажак касаба уюшмалари марказини ана шундай деб аташ кўзда тутилмоқда) ҳуқуқий давлат барпо этилишини ҳисобга олиб, қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиши режалаштирилади, унга ҳукумат билан ижтимоий битимлар, шартномалар тузиш топширилади. Қабул қилинган қонунларни орқаворотдан танқид қилиш, талабномалар ва иш ташлашлар билан бу қонунларнинг бажарилишини барбод этиш эмас, балки жумҳурият ҳукумати, Олий Советнинг комиссиялари ва комитетлари билан биргаликда иш олиб бориш — ҳозирги пайтда бўлажак касаба уюшмалари марказининг асосий вазифаларидан бири ана шундан иборат. Ҳозир Ўзбекистон ССР касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Жумҳурият Олий Совети касаба уюшмалари тақдим этадиган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламиз.

Республика Хотин-қизлар кенгашининг раиси сифатида аёллар муаммоларига тўхтамай ўта олмайман.

Ўзбекистон Компартияси сайловолди дастурида, жумҳурият Президентининг кейинги фармонларида аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир кўпгина чора-тадбирлар кўзда тутилган. Хотин-қизлар кенгашлари ана шу қарорларни жойларда амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар. Ҳозир съездимиз делегатлари орасида хотин-қизларнинг кўплиги ижтимоий турмушда уларнинг фаоллиги ва роли ошганлигига мисол бўлади, деб ўйлайман.

Лекин аёлларнинг барча муаммолари ҳал қилинган дея олмаймиз. Далаларда, фермаларда, саноат корхоналарида уларнинг оғир меҳнатини енгиллаштириш учун етарлича иш қилинмаяпти. Оилада аёлларга нотўғри муносабатда бўлиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келмоқдаки, бизда ҳали ҳам ўзига ўзи ўт қўйиш ҳоллари камайгани йўқ.

Кир ювиш машиналари ва тикув машиналари, рўзғор ишларини енгиллатадиган бошқа механизмлар етишмаётган пайтда, хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш тўғрисида нима ҳам дейиш мумкин.

Хотин-қизлар муаммолари ҳамиша партия диққат марказида бўлиб келди. Лекин ҳозир партия комитетларини қайтадан тузиш муносабати билан жойларда хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланадиган ходимларнинг ўрни қисқартириб юборилмоқда. Менимча, бу масалага диққат-эътибор билан ёндашмоқ лозим.

Наманган уйсозлик комбинатининг директори

А. ИКРОМОВ нутқидан

Кейинги вақтларда жамиятда партиямиз ва унинг раҳбар органлари номига тез-тез ўткир танқид янграмоқда. Коммунистларнинг ўз ораларида ҳам мунозаралар бўлиб турибди. Менинг назаримда биз ҳаммамиз юзаки фаоллик ва бефарқлик билан шу жараённи тезлаштириб, тангликни қалтис нуқтага яқинлаштириб бораяпмиз.

Съездимиз вужудга келган вазиятдан чиқиш юзасидан яқдил бир фикрга келиши керак. Бир вақтлар, партия уставининг дастлабки лойиҳаси муҳокама қилинаётганида В. И. Ленин КПСС аъзолиги тўғрисидаги бандга одамларни ўзига эргаштириб бора оладиган, уларни партия сафларига жалб қиладиган деган сўзларни қўшишни таклиф қилган эди. Эҳтимол ўша пайтда коммунистларнинг сонини кўпайтириш амалий зарурат бўлгандир. Ҳозирги шароитда ҳам мана шу таклиф зарур, деб ҳисоблайман. Бир ўйлаб кўринглар, жумҳуриятимиз айрим музофотларида тартибсизликлар рўй берганида, ҳатто тажрибакор партия ходимлари ҳам одамларни муаммоларни оқилона ҳал этиш мақсадида ўзларига эргаштириб бора олмадилар. Агар КПСС XXVIII съезди партияга қабул қилиш ҳуқуқини бошланғич ташкилотларга бериш масаласини узил-кесил ҳал этса, бу таклиф уларнинг масъулиятини оширишга қўмаклашган бўлур эди. Чунки, мана шундай қилинганда бошланғич ташкилот одамларни ўзига эргаштира бора оладиган кишиларни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қиладиган бўлади.

Партиямиз шонли анъаналарга бой ва бу анъаналарни кўпайтириш — бизнинг авлодимизнинг вазифаси. Хўш, биз 21 апрель куни нима қилдик? Буюк починдан бошланган ленинча коммунистик шанбаликни касаба уюшмалари ихтиёрига бериб қўйдик, бу уюшмалар эса шанбаликни касаба уюшмаларининг шанбалиги деб эълон қилди, биз бўлсак ташаббусни қўллаб-қувватлашдан нари ўтмадик. Қўлга киритилган мавқени топширишни бас қилиш керак, деб ҳисоблайман. Коммунистик партия жамиятимизнинг пешқадам кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолиши керак.

Биз айрим коммунистларнинг иккиланишларини бартараф этиб, уларнинг бутун фикри-зикрини ва жамики жамиятни амалий ишларга ва фаол ҳаракатларга буриб юборишимиз керак. Партиявий иш марказини бошланғич партия ташкилотларига дадил кўчириш лозим. Партия ўз фаолияти билан коллективнинг турмуши ва фаолиятини, унинг ҳаётидан тортиб то ишлаб чиқаришдаги юмушларигача қамраб олиши керак.

Шундагина бошланғич партия ташкилотлари омма орасида ҳақиқий обрў-эътибор қозонади. Сайлаб қўйиладиган бошланғич партия ташкилотининг котиби лавозимига кекса тажрибали ишчилар, меҳнат ветеранлари, катта ҳаётий ва ташкилий тажрибага эга бўлган коммунистлар ҳам овозга қўйилиши лозим.

Оз сонли партия ташкилотларини тармоқ белгисига қараб бир шаҳар ёки районда бирлаштириш мақбул ва ҳатто зарурдир, аммо улардаги аъзоларининг сони энг мақбул даражада бўлиши керак.

Айтмоқчиманки, партия ташкилотлари тузилишининг хилма-хил шаклларидан кенг фойдаланиш лозим. Яъни, барча соҳаларда пухта интизомга риоя этиб, халқчил асосда амалий иш билан шуғулланиш даркор.

Умуман мен, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини тушаётган таклифларни эътиборга олиб қўллаб-қувватлайман, кўп партиялилик масаласига келганда — мен барча кучларни халқ бахт-саодати йўлида амалда бирлаштириш, жамиятни жипслаштириш тарафдориман. Бироқ ўзаро айблаш ва туҳматларга йўл қўймай, уларнинг ҳаммасига тенг шароит яратиб берилиши керак. Жамиятнинг бир қисмида қатъий фикрлар ҳали шаклланмаган ҳозирги босқичда шундай йўл тутиш, айниқса, муҳимдир.

Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети билан ҳукумати якка тартибда уйлар қуришга ер ажратиб беришга қарор қилганлиги учун наманганликлар астойдил миннатдордирлар. Шу билан бирга шаҳарликлар учун ҳам ер ажратиб бериш тўғрисида ҳукуматнинг махсус қарори зарур, деб ҳисоблайман.

Бизнинг вилоятимиз уй-жой ва ижтимоий-маданий-маиший қурилиш режасини муттасил бажариб келмоқда. Биз қурилиш, айниқса, уй-жой, соғлиқни сақлаш, маориф бинолари қуриш муаммолари ҳақида гапиргани-мизда режалаштиришнинг янги шаклларига қатъият билан ўтишимиз керак. Режалаштириш ҳуқуқини қурилиш ташкилотларининг ўзига бериш лозим, шунда улар ўз имкониятлари ва қувватларини ҳисобга оладиган, талаб ва эҳтиёжга қараб иш тутадиган бўладилар, моддий ресурслар ва асбоб-ускуналар фондларини ўзлари ҳимоя қиладиган бўладилар. Шундай тартиб жорий қилиш керакки, ишлатиш учун тайёр объект бевосита лимитсиз шартномалар асосида сотиладиган бўлсин. Бозор муносабатлари ҳам шуни талаб қилади.

Яна бир гапни айтмоқчиман. Агар қурилиш ташкилоти якка тартибда ўзига уй қурувчига нисбатан рақобатбардошроқ бўлса, тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириб пулли кишиларга сотиш мумкин бўлур эди. Аҳолининг дарҳол уй сотиб олишга маблағи етмайдиган қисмига уйни қарзга ёки ижарага бериш мумкин.

Уй-жой даҳаларини комплекс қуриш лойиҳасини тузиш пайтида музофотлар аҳолисининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, қурилиш қонун-қоидаларига ёзиб қўйилганидек ҳаммани бир андозага мослаштирмаслик керак. Ҳовли участкалари бўлган уйларни лойиҳалаш ва қуриш лозим. Вилоятлардаги шаҳарларда имкониятга қараб баланд уйлар қуришдан воз кечиш, икки ёки уч қават билан чекланиш мумкин бўлур эди. Ҳовли участкаси одамларнинг сиҳат-саломатлиги, ишдан бўш вақтларида фойдали меҳнат билан шуғулланиш, озиқ-овқат масаласини ҳал этишга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш хусусида икки оғиз сўз. Бугун мен бозор иқтисодиётига қаршиман ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энг зарур буюмларнинг нархини кўтаришга бутунлай қаршиман. Ғарбнинг бозор иқтисодиёти неча ўн йиллар давомида шаклланиб, сайқал топиб келган ва молларнинг мўл-кўллигига асосланган. Аввал бошида биз бозор обороти учун лоақал зарур миқдордаги молларни вужудга келтириб олишимиз керак. Бинобарин, ҳозир ўзаро маҳсулот етказиб бериш интизомини зудлик билан қайта тиклаш, бозорга мўлжалланган молларни кўпроқ ишлаб чиқариш муҳимдир.

Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби

А. Р. ОТАЖОНОВ нутқидан

Съездимизнинг ишини бутун жумҳурият аҳли ва ҳатто унинг ташқарисидаги кишилар ҳам умид билан кузатиб туришибди. Халқ бизнинг энг долзарб масаларга аниқ жавоб беришимизни кутяпти. Бундан буён вазият қандай бўлишини билишни хоҳлаяпти. Ўзбекистон Компартияси рўй бераётган воқеаларга қандай назар билан қарамоқда? У жумҳуриятимизни мушкул аҳволдан қайси йўллар билан олиб чиқмоқчи? Аҳолининг турмушини яхшилаш учун нималар қилмоқчи? Жумҳурият аҳолисини ҳозир мана шу масалалар қизиқтирмоқда.

Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузасида жумҳуриятда вужудга келган вазият холисона баҳоланган, етилган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатилган. Қайта қуришнинг бориши халқни қаноатлантирмаяпти. Одамлар эскичасига яшашни хоҳламаяптилар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида янги ёндашувлар белгилаб берилган бўлишига қарамай, афсуски, у яқин келажакда жамиятимиз тараққиётининг истиқболларига амалда ишонч билан қараш имкониятини бермаяпти. Ҳаракат дастурида Иттифоқ миқёсида қабул этилаётган қарорлар оддий кишиларнинг кайфиятига ва орзу-умидларига қандай таъсир этаётганлиги эътиборга олинмаган. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммосини олиб кўрайлик. Бизнинг назаримизда, СССР ҳукуматининг шу масалага оид таклифларида жумҳуриятларнинг хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Бу таклифлар бизнинг жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига тўғридан-тўғри зарба уради.

Ҳукумат таклиф этаётган ўрнини қоплаш чоралари ва бошқа чоралар турмуш даражаси паст бўлган аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлай олмайди. Бозор иқтисодиётини жорий қилишдан аввал лоақал мамлакат халқ хўжалигида бироз бўлсада тартиб ўрнатиш зарур. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини бутун халқ маъқулламаса ва қўллаб-қувватламаса уни амалга ошириб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурини жиддий равишда қайта ишлаб чиқиш зарур. У муаммоларга чалакам-чатти, дудмал ёндашишга асосланган, унда мамлакат турли регионларининг хусусиятлари тўлиқроқ акс эттирилиши лозим.

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида. В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокаралар

(Давоми. Боши учинчи бетда).

Шу билан бирга, биз Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Унда республика тараққиётининг тарихий, сиёсий, ижтимоий, миллий, маданий ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинган. Кейинги вақтларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқ орасида Ўзбекистон Компартиясининг обрў-эътиборини кўтарди. Бу чора-тадбирлар орасида энг қолоқ районларнинг, жумладан, Чироқчи ва Деҳқонобод районларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ёрдам бериш тадбирлари ҳам бор. Бироқ Марказий Комитет амалга ошираётган айрим тадбирлар баъзи Бюро аъзоларининг, аниқроғи, Икромов, Попов, Берков, Жўрабеков ўртоқларнинг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари билан етарли равишда мустаҳкамланмаяпти. Жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллиги муаммоси ҳал этилмаяпти, бюджет камомади пасаймаяпти.

Бизнинг вилоятимиздан бир мисол айтиб бераман. «Целинхлопок» трестининг 24-совхозида ерларни ўзлаштириш учун 700 миллион сўм капитал маблағ сарфланган эди. Холбуки, асосий фондларнинг ҳар сўми ҳисобига олинаётган иқтисодий самара 17 тийиндан ошмаяпти. Бундай хўжасизлик ва исрофгарчиликни ҳар қадамда кўриш мумкин.

Кейинги вақтларда партиянинг сиёсати истеъмол муаммолари билан тобора кўпроқ боғланмоқда, шу пайтгача вужудга келтирилган бойликларни тақсимлашга қаратилмоқда. Бироқ халқ орасида арзон шуҳрат орттириш пайига тушиб, моддий бойликларни кўпроқ ишлаб чиқариш зарурлигини унутаётган бир талай кишилар ҳам бор. Бундай сиёсатнинг умри қисқа бўлади, унинг оқибатлари эса яхшиликка олиб бормайди. Соғлом фикрли бирон киши 72 йил мобайнида халқ учун партия қилган ишни унута олмайди. Шу билан бирга кейинги 30-40 йил мобайнида партия сиёсатда ва иқтисодиётда катта хатоларга йўл қўйди. Қайта қуриш йилларида, жумладан, кадрлар сиёсатида ҳам хатолар содир бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг аппарати ва кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш билан бевосита шуғулланувчи кишилар жумҳуриятларда ва вилоятларда кадрларни танлаш ишига аралашмасликлари керак.

Мамлакатнинг давлат ва сиёсат раҳбариятини янгилашдаги, тартиб ўрнатишдаги сусткашлик, эътиқодларимизни ҳимоя қилишдаги беҳуда бепарволик партиянинг обрў-эътиборига қаттиқ зиён етказади. Бепарволик оқибатида миллатлараро адоват, айирмачилик кайфиятлари кучайди, одамларнинг турмуши ва онгига ёт идеология суқилиб кирди. Бироқ шунга қарамай, одамлар Коммунистик партияга ишонадилар, ўз орзу-умидларини рўёбга чиқаришни партия билан боғлайдилар.

Бизнинг шароитимизда Компартия жамиятнинг барча соғлом кучларини бирлаштиришга, бошланган қайта қуришни дўстлик ва байналмилалчилик асосида давом эттириш ва ниҳоясига етказишга қодир бўлган бирдан-бир куч бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Шу билан бирга, менинг назаримда, барча сиёсий ҳаракатлар билан ўз муносабатларимизни мутлақо янгича қуришимиз, халқ манфаатларини чинакамига ҳимоя қилаётган барча кучларни қўллаб-қувватлашимиз ва халқни бунёдкорлик ишидан чалғитишга уринаётган гуруҳларга қаттиқ зарба беришимиз керак.

Кўп партиялилик масаласи хусусида. Бу соҳада бизнинг шароитимизни ҳисобга олмасдан бўлмайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча масалалар пайдо бўлмоқда. Ҳозир бизда халқнинг тақдири учун масъулиятни зиммасига олишга қодир бўлган бошқа ҳар қандай партияларни тузиш учун аниқ асос йўқ. Бироқ кўп партиялилик ғоялар курашига эмас, балки оилалар, қабилалар, қариндош-уруғларнинг адоватига айланиб кетмасмикан, деган хавотирлик бор. Бундай аҳвол ғоявий парокандаликка, аҳоли орасида ғалаёнларга олиб бориши, доимий жанжаллар учун сабаб бўлиши мумкин. Бу асосда миллатчилик авж олиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, биз бунга асло йўл қўя олмаймиз.

Биз қайта қуришнинг энг мураккаб, энг кескин даврида яшаб турибмиз. Бизга партия сафларининг бирлиги ва жипслиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Андижон вилояти уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раиси

Т. Р. КАРИМОВА нутқидан

Съездимиз жуда ҳам мураккаб даврда ўтяпти. Мана шу ажойиб бинода ўтирганлар орасида Совет давлатини қурган, колхозларни биринчи бўлиб тузган, ички-ташқи душманлар билан мардона курашган, 40 кун ичида катта Фарғона каналини қурган кишилар бор, Ўзбек халқи Фарҳод ГЭСини қурди, 1941—1945 йилларда уруш жангоҳларида кўксини қалқон қилди, шу оғир йилларда бошқа шаҳарлардан олиб келинган биродарларимизни, уларнинг фарзандларини ўз боғрига олди, бир бурда нонини баҳам кўрди.

Мен кекса коммунистман. 1949 йилдан буён жумҳуриятимизнинг ҳамма партия съездларида қатнашиб келмоқдаман. Х съездда ёлғиз мен ўзбек хотин-қизлари номидан сўзлаганман. Бугун эса хотин-қизлардан беш киши сўзлади. Буни мен партиямизнинг хотин-қизларга бўлган катта ҳурмати деб биламан.

Кейинги пайтларда жумҳуриятимиз Президенти, партияси ва ҳукумати жуда яхши қарорларни қабул қилдилар. Деҳқонларга, ижарачиларга ер ажратиб бериш, Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига имтиёзлар бериш, мусулмонлардан 500 кишини ҳажга юбориш, бошланғич синф ўқитувчиларининг маошини ошириш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Ёшлар тарбиясига кўпроқ эътибор бериш зарур, чунки бу жуда муҳим масаладир. Биз ҳали ёшлар тарбиясига лозим даражада эътибор бераётганимиз йўқ. Ана шу долзарб масалани эътибордан қочирсак, келажакда пушаймон ейишимиз турган гап. Бизнинг болаларимиз қанақанги азоб-уқубат, қанақа қурбонлар ҳисобига ҳозирги ҳаётга эришганлигимизни яхши билишлари керак. Шундагина Фарғонада, Паркентда, Бўкада ва бизнинг Андижонда бўлгани каби ҳодисаларнинг олди олинган бўлур эди.

Ҳозир ошкоралик, демократия деган сўзлар ҳаддан ташқари кўп тилга олинмоқда. Демократия ҳам, ошкоралик ҳам биз учун керак, аммо бу нарсани сафсатабозликка айлантиришимиз керак эмас.

Ўзингиз ўйланглар, сизлар отасизлар, мен мисол учун катта бувиман. Агар оилада отага бола қулоқ солмайдиган бўлса, ўша отанинг айтган гапини қилмайдиган бўлса, бундай оилада қанақа тарбия бўлиши мумкин? Мен 8 май куни Ўзбекистон намоёндалари билан бирга М. С. Горбачев билан учрашишга мушарраф бўлдим. Биз бу учрашувдан кўп нарса олдик. Бизнинг ўзбек халқимиз ҳамиша меҳнат қилиб, яшаб келган. Илгари ўзбекнинг тегирмони, жувози, ўз ғорбоғи бўлган. Ҳозир буларнинг ҳаммасини йўқотдик. Ахир ўша тегирмонга яхши буғдойни солиб, ўзимиз учун сифатли ун тайёрлардик. Ҳар бир деҳқон уйида шолиси, мева-чеваси ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бўларди. Одамларнинг қорни тўқ эди. Мана шуларнинг ҳаммасини тиклаш, инсонлар учун яхши шароитни, фаровонликни яратиш вақти келди.

Мафкуравий ишларимиз замон талаби даражасида эмас. Бу соҳада ишловчи кадрларни пухта танлаш, уларни тайёрлаш лозим. Чунки мафкуравий ишдаги хато ва камчиликлар омма онгига қанчалик салбий таъсир ўтказаётганини кўриб турибмиз.

Бизнинг вилоятимиз ва умуман Фарғона водийси кейинги йилларда пахта соҳасидаги шуҳратини йўқотиб қўйди. Биз бу шуҳратимизни тиклаб оламиз, бунга ишончим комил.

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси

М. ИСОҚОВА нутқидан

Съездда қилинган Сиёсий маърузани зўр қизиқиш билан тингладим. Унда турмушимизни яхшилашга қаратилган кўпгина амалий таклифлар бўлиб, жумҳуриятнинг партия ташкилоти ишининг аниқ программаси белгилаб берилган.

Мен ўзим ҳозирги турғунлик йиллари деб аталаётган вақтда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлганман. Ўша йиллар мен учун навқиронлик, унутилмас йиллар бўлган. Ҳозирги вақтда ҳамма нарсага қайта баҳо берилмоқда. Бироқ ҳамма нарсани баб-баравар қоралаш тўғри эмас. Мен осонлик билан ютуқларга эришмадим — бу ютуқлар тинимсиз ишларнинг самараси бўлди. Ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ. Шуни айтмоқчиманки, ҳар биримиз меҳнат билангина халқимизни боқиш, кийинтириш учун зарур бўлган имкониятга эриша олишимиз мумкин. Бу оддий ҳақиқат. Бироқ ҳамма бошқа йўл йўқлигини тушуниши лозим.

Ҳамма даврларнинг ҳам ўзига хос қийинчилиги бўлади. Айни пайтда биз қийин даврда турибмиз. Олдимизда ечилмай турган муаммолар кўп. Уларни ҳал қилиш учун дадиллик, мардлик, жасорат керак. Бу хусусиятлар бизда етарли.

Биз Ўзбекистон иқтисодиёт соҳасида ҳам, шунингдек ижтимоий соҳада ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланишини истаймиз. Энг аввало биз келажагимиз бўлган ёшларимиз ҳақида ғамхўрлик қилишимиз керак. Биз жумҳуриятда, юзлаб илғор комсомол-ёшлар бригадаларида яхши, малакали кадрлар тарбияланганини биламиз. Улар орасида ҳозирги вақтда раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган, кўпгина масъулиятли жабҳаларда ёшларнинг муносиб вакиллари бўлган кишилар бор. Бу ерда — съездимиз делегатлари орасида ҳам шундай кишилар бор.

Хотин-қизлар тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтиришимиз зарур, айниқса қишлоқ аёллари ғамхўрликка муҳтож. Аёлларимиз ўзлари ҳақида эмас, балки фарзандлари, оиласи, иши ҳақида кўпроқ ўйлайдилар. Заминдаги барча беҳисоб юмушлар одатда уларнинг зиммасига тушади. Аёлларнинг катта қисми кўпинча дам олиш, даволаниш нималигини билмайди. Оналаримизни айниқса эҳтиёт қилишимиз, уларни қадрлашимиз лозим.

Мен 35 йилдан бери фермада сигир соғиб келаман. Ҳар йили олган мажбуриятларимни ортиғи билан адо этяпман. Энди чорвадорларимизга, механизаторларимизга эътибор берадиган вақт келди, деб ўйлайман. Бизлар эса халқ, улуғ ва шонли Ватанимиз манфаатлари йўлида енг шимариб меҳнат қилаверамиз.

Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 20-болалар уйининг директори

В. Б. ПАК нутқидан

Биз, муаллимлар, Марказий Комитетнинг «Келажагимиз — мактабда» деган мурожаатини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. XXII съездимиз қарорларидан умидларимиз катта ва ўйлаймизки, бу ерда тарбия муаммолари энг муҳим муаммолар қаторида кўриб чиқилади. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ССР Президентининг «Бошланғич синф-лар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармони бизни бефарқ қолдирармиди.

Бундай қарорлар бизда катта умид уйғотмоқда. Жумҳуриятдаги, шу жумладан, бизнинг вилоятимиздаги мактаблар моддий базасининг аҳволи жиддий ташвиш туғдиради. Яхши ўйламай, олти ёшли болаларни ўқишга қабул қилиш аҳволни янада ёмонлаштирди. Мактабларда болаларни ўқиш жойлари билан таъминлаш 75 фоизни ташкил этади. Ҳар икки мактабнинг бири капитал ремонтга муҳтож. Мактабгача тарбия болалар муассасаларидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Вилоятда бундай муассасаларга жойлашиш учун 6 мингдан зиёд бола навбатга қўйилган. Ҳатто кейинги йилларда бундай объектларни қуриш икки баравар кўпайганлиги ҳам эҳтиёжларни қоплamаяпти.

Кўп болали оилаларнинг, айниқса қишлоқ жойларидаги кўп болали оилаларнинг аҳволи мени, аёл ва она сифатида ташвишга солмоқда. Келинглар яхшироқ ўйлаб кўрайлик — болалар боғчалари қурганимиз яхшими ёки шу маблағларни болаларни тарбиялаётган оналарга тўлаб, шу йилларни уларнинг меҳнат стажига қўшганимиз дурустми. Майли, улар яхшиси болалар тарбияси билан чинакамига шуғулланишсин. Бундан ташқари, камбағал ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун умумий типдаги мактаб-интернатлар очиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Яна бир нарса тўғрисида гапирмоқчиман. Кўпгина болалар ошқозон-ичак касалликлари билан оғриётгани сир эмас. Бунинг сабабларидан бири — ичимлик сув сифатининг ёмонлиги, соғлиқни сақлаш моддий базасининг заифлигидир. Ёки бошқа бир масала. Қурилаётган мактаблар лойиҳасида сузиш ҳавзалари кўзда тутилмаган. Бизнинг иқлим шароитида эса бу жуда зарур. Ҳарбий хизматга чақирилиш ёшига етган йигитлар ҳатто сузишни ҳам билмаслигидан ажабланмай бўладими?

Мактаб муаммолари ҳамманинг ва ҳар бир кишининг муаммоси бўлмоғи лозим. Марказий Комитет мурожаатномасида айни шу ҳақда айтилган. Лекин мурожаат қоғоздагина қолиб кетмасмикан? Бунинг дастлабки аломатлари ҳозирданоқ кўриниб турибди. Бир ойдан кўпроқ вақт ўтди-ю, лекин жумҳуриятдаги бирорта ҳам министрлик, идора ва жамоат ташкилоти ҳали ҳам мактабга ёрдам бериш хусусида қарор қабул қилмади. Демак, гапимиз бошқа-ю, ишимиз бошқа экан-да.

Ислоҳотга биноан ўқитувчиларнинг иш ҳақи оширилди, лекин бу тадбир яхшироқ ишлаш учун омил бўлолмади. Нима учун? Бунга текисчилик айбдор. Маориф соҳасида бу нарса етказаётган зарар ишлаб чиқаришдагидан кам эмас. Одамлар ҳар хил ишлашади-ю, лекин бир хилда маош олишади. Ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш расмий тусдагина бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган. Иш ҳақини қилинган меҳнатга қараб тўлаш — яхши муаллимларни тақдирлаш, рағбатлантириш, нўноқларига йўл-йўриқ кўрсатиш, билим савияси паст бўлган ўқитувчилардан халос бўлиш керак.

Орол — регионимиздаги ўткир муаммодир. Мен, болалар уйининг директори сифатида бу муаммога доимо дуч келаман. Агар илгари болалар уйларига нобоп оилалардан чиққан болалар келган бўлса, энди булар асосан касалванд ота-оналарнинг фарзандларидир. Вилоятда тиббий кўрик ўтказилганида, болаларнинг қарийб 80 фоизи сурункали касалликлар — камқонлик, буйрак ва жигар хасталикларига чалинганлиги маълум бўлди. Болалар рўйхатга олинган, бироқ уларни санаторийларда даволаш йўлга қўйилмаган.

Ота-онаси тирик «етимлар» деб аталадиган ижтимоий муаммога эътиборни қаратмоқчиман. Баъзан ҳар куни ўзининг «онажонисини» кутувчи болакайни кўриб, алам қилганидан кўзингга ёш қалқийди, киши. Айтингчи, энг муқаддас нарсага ишончни йўқотган бу кичкинтойни қай тариқа чинакам инсон қилиб тарбиялаб бўлади? Ота-оналарнинг ўз болалари тақдири учун шахсий масъулиятини оширадиган қонунлар қабул қилиш керак, токи улар бунинг учун ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан жавобгар бўлсинлар. Шундай қилиш жамиятимизнинг инсонпарварлик моҳиятини намоён этиш бўлур эди.

Энди болалар уйидан чиқиб кетаётган болаларни маънавий қўллаб-қувватлаш тўғрисида гапирмоқчиман. Умид қиламанки, менинг сўзларимни олий ўқув юртларининг, билим юртларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари эшитишади: агар болалар уйининг тарбияланувчиси ўқишга ёки ишга кираётган бўлса, унга ёрдам қилинг, эътибор беринг, мустақил яшашни ўргатинг, уни тажрибали устозларга шогирдликка беринг.

Мен сўзга чиқишга тайёрланаётганимда Ўзбекистон Компартияси XXII съездига Сиёсий доклад тезислари билан синчиклаб танишиб чиқдим. Унда ўсиб келаётган авлодни байналмилал руҳда тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Дарҳақиқат ўзга миллатга мансуб кишига нисбатан ҳурмат ҳиссини болага у мактабга чиқмасидан олдиноқ сингдира бошлаш лозим.

Мен ўзим корейс миллатиданман. Лекин менда миллатим таҳқирланган ёки бошқа бирор миллат устунроқ деган ҳиссиёт йўқ. Аксинча, миллатимга тобора кўпроқ эътибор берилаяпти. Хоразмда совет корейслари маданият маркази ташкил қилинган. Бу яхши ташаббус. Лекин муаммолар ҳам бор: корейс тилидаги алифболар, дарсликлар, энг асосийси малакали ўқитувчилар йўқ.

Мактаб партия ташкилотлари тўғрисида икки оғиз гапираман. Кўпинча пешқадамлар, барча янги ва илғор ишларнинг ташаббускорлари бўлиб чиқадиган мактаблар партия ташкилотлари учун ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида ўйлаб кўриш керак, деб ҳисоблайман. Мен КПСС Уставининг 19-моддасига бошланғич партия ташкилоти котиби жамоада ўтказган партиявий-сиёсий иш учун унинг асосий иш ҳақига қўшимча равишда партия бюджетидан муайян процент тўлаш тўғрисида қўшимча киритишни таклиф қиламан.

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасининг иккинчи бўлимига эса қуйидагича бандни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман: 1991 йилда Улуғ Ватан урушининг барча ногиронлари ва қатнашчиларини, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда байналмилалчи жангчиларнинг оилаларини уй-жой билан таъминлаш юзасидан ижтимоий программани ишлаб чиқиш зарур.

Сариосиё район партия комитетининг биринчи котиби

И. СУННАТОВ нутқидан

Марказий Комитетнинг ушбу съездга Сиёсий маърузаси асосий қоидаларини умуман маъқуллаб, бизнингча партия обрўси тушиб кетишига, омма орасида ҳамда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор қилишда унинг таъсири пасайишига сабаб бўлган бир неча муаммога тўхталиб ўтмоқчиман.

Улардан бири — партия ва давлат идоралари фаолиятида шу вақтгача давом этаётган сўз бошқа-ю иш бошқалигидир. Мисол учун иккита ҳужжатни таҳлил қилиб бермоқчиман. Булар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Сурхондарё область Сариосиё районини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чоралари тўғрисида»ги қароридир.

Жумҳурият меҳнаткашлари бу қарорларни тушуниб, маъқуллаб ва миннатдорчилик билан кутиб олдилар. Биргина Сариосиё районида ўтган 10 йил 9 ой давомида 8 мингдан ортиқ киши ер участкалари олди. Бироқ одамлар ерни олгач нима қилишни билмаяптилар. Ҳозирги пайтда шахсий уй қуришни хоҳлаган кишиларнинг 60 фоизи қарз ололмаётган бўлса, 62 фоизи бинокорлик материалларини тополмаяпти. Бу одамларнинг хулосаси аниқ ва равшан: маҳаллий партия ва совет органлари партия ва ҳукумат қарорлари бажарилишини таъминламаяптилар. Аммо бу қарорлар унда кўзда тутилган тадбирларни молиявий ва моддий-техникавий таъминлашнинг ҳақиқий имкониятларини ҳисобга олинмай қабул қилинганлиги ҳаммага равшан. Шундай тасаввур ҳосил бўлмоқдаки, жумҳурият Министрлар Совети гўё ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда мутлақо қатнашмаган.

Яна бир мисол. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сариосиё районини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қарор қабул қилганидан сўнг ярим йилча вақт ўтди. Лекин биронта министр ҳам, биронта министр ўринбосари ёки республика министрликлари ва идораларнинг ходими ҳам бу қарорни бажариш учун қўлини совуқ сувга ургани йўқ. Бунинг устига Ўзбекистон ССР Давлат сув хўжалиги қурилиши комитети Узун бройлер фабрикасига газ қувур ётқизиш учун 1989 йилда қувурларни олиб, уларни бошқа эҳтиёжлар учун сарфлаб юборди. Оқибатда биз икки йилдан буён ана шу объектнинг қўшимча қувватларини фойдаланишга топшира олмаяпмиз, парҳезбоп гўшт етиштиришни кўпайтира олмаяпмиз. Одамлар эса биздан ваъда қилган иш жойлари, мактаблар, касалхоналар ва бошқа ижтимоий, маданий-маиший объектлар қачон бўлади, деб сўрашмоқда. Шу сабабли: бирибир қоғозда қолиб кетадиган ва фақат партия, совет ходимлари обрўсини тўкишга хизмат қиладиган бундай қарорлар керакми деган савол ўринлидир.

Сариосиё райони ҳозир ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мураккаблиги партия ва совет идораларида жиддий ташвиш туғдираётган регионлардан биридир. Бунинг сабаблари кўп. Лекин ана шу сабаблар орасида энг муҳими Тожикистон алюминий заводи фаолияти билан боғлиқ экология фалокатининг тобора яқинлашиб келаётганлигидир. Жумҳуриятимиз ҳукумат идоралари, депутатлар гуруҳлари, илмий-тадқиқот муассасалари деярли ўн йилдан буён шу масала билан шуғулланишяпти. Аммо иш гапдан нарига ўтмаяпти. Республика ҳукумати шу масала юзасидан кўраётган чоралар мутлақо етарли эмас. Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари ниҳоят бу чигални ечадилар, деб умид қиламиз. Ўнлаб йиллар ўтгандан сўнг ўз гуллаган диёримизни даштга айланишини эмас, балки тағ ҳам гўзал ва ям-яшил ўрмонга айланишини кўришни истаймиз.

Партиянинг дастурий ҳужжатлари лойиҳалари хусусида ўз фикримни айтмоқчиман. КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳаси партиянинг, умуман жамиятнинг тараққиёти асосий йўналишларини белгилаб беради, барча соғлом кучларни инқилобий, қайта қуриш мақсадлари ва вазифалари теварагида жипслаштиришга имкон беради. Шу билан бирга, менинг назаримда, «Самарали планли-бозор иқтисодиёти учун» бўлими пухта ишлашга ва аниқлик киритишга муҳтождир. Унда меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қандай қилиб қаноатлантира оламиз деган саволга жавоб йўқ. Бўлимда мамлакат иқтисодиётини тангликдан чиқариб олишнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилиши, иқтисодий тараққиётнинг аниқ стратегияси бўлиши, бу соҳада партиянинг тутган ўрни очиб берилиши керак.

КПСС Устави лойиҳасида эса КПСС марксизм-ленинизм ва уни ижодий ривожлантириш мавқеида тузилиши тўғрисидаги қоида аниқ кўзга ташланмайди. Районимиз коммунистлари коммунистик олий мақсадлар сақлаб қолинишини яқдил маъқулламоқдалар, партияда фракциялар тузишга, уни миллий белгига қараб ажратиб юборишга ҳар қандай уринишларни рад этмоқдалар ва Ўзбекистоннинг мустақил Коммунистик партияси бўлишини ёқламоқдалар.

Бизнингча, янги шароитда бошланғич партия ташкилотларининг мавқеини қатъиян ошириш зарур. Улар жойларда олиб бориладиган ишларнинг янги усулларини тавсия этишлари керак. Чунки ҳозир партия территориал-ишлаб чиқариш принципи асосида қурилган бўлиб, эртага, кўп партиялилик шароитида бошланғич партия ташкилотларини партия аъзоларининг иш жойида, истиқомат жойида тузишга тўғри келади. Бошланғич партия ташкилотлари ана шундай шароитда жонли иш билан шуғулланишлари учун катта имкониятларга эга бўлиши керак. Ҳозир эса улар юқори партия органлари қарорларини «ижро этишга» улгурмаётирлар.

Пиллакорларнинг меҳнат зафари

НАМАНГАН

Куни кеча редакциямизга Наманган вилоятидан хушхабар келди. Вилоят пиллакорлари бу йил зарбдорларча меҳнат қилиб, йиллик марранни эгаллашди. Режадаги 2800 тонна ўрнига 2828,3 тонна хом ашё тайёрланди. Йиллик план 101 фоиздан зиёд бажарилди. Ҳар бир қути қурт уруғидан олинган ҳосил 64 килограммни ташкил этди.

Вилоят пиллакорларининг бу ғалабасига Тўрақўрғон райони «кумуш тола» южодкорлари муносиб ҳисса қўшишди. Улар пландаги 309,3 тонна ўрнига 377,7 тонна хом ашё тайёрлашди. Ҳар бир қути ипак қуртидан олинган ҳосил 64,6 килограммни ташкил этди. Наманган райони 466,7 тонна, уйчиликлар 377,6 тонна поплиқлар 269,3 тонна, учқўрғонликлар 290 тонна, норинликлар 350 тоннадан зиёд дурдона тайёрлашди. Бу районларда ҳосилдорлик ҳам юқори бўлди. Улар ҳар бир қути қурт уруғидан 55-69 килограммдан хом ашё йиғиштириб олишди.

Задарё районидаги «Гулбоғ» совхози, Чуст районидаги Навоий номли колхоз, Наманган районидаги «Ленинград» колхози, Поп районидаги «Правда» колхози ва бошқа хўжаликлар пилладан мўл ҳосил етиштиришди. Масалан «Гулбоғ» совхози 140 қути қурт уруғидан 8,3 тонна, Навоий номли колхоз 530 қути қурт уруғидан 31,5 тонна, «Ленинград» колхози 1170 қути қурт уруғидан 68,3 тонна, «Правда» колхози 445 қути қурт уруғидан 26,5 тонна хом ашё тайёрлади.

Вилоятда йиллик марра эгаллангани қарамай, пилла топшириш давом этмоқда. Миришкорларнинг нияти — социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажариш.

ТОШКЕНТ

ТОШКЕНТ вилояти пиллакорлари куни кеча ўн иккинчи беш йиллик якунловчи йили планини шараф билан бажардилар. Қабул пунктларига режадаги 1850 тонна ўрнига 1860 тонна хом ашё етказиб берилди. Ҳар қути ипак қуртидан ўртача 57 килограммдан ҳосил олинди. Хом ашёнинг 86 фоизи юқори навларга қабул қилинди.

Чиноз, Оққўрғон ва Бекобод районлари вилоятда биринчилар қаторида план ва социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажардилар. Бўка, Ғалаба, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик, Оржоникидзе, Тошкент, Калинин ва Янгийўл районлари вилоят пиллакорларининг ғалабасига муносиб улуш қўшишди. Айни кунларда Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Паркент сингари тоғолди районлари пиллакорлари хом ашё топширишни қизғин давом эттирмоқдалар.

Вилоятнинг илғор хўжаликлари ҳар бир қути ипак қурти уруғидан ўртача 65—70 килограммдан ҳосил олдилар. Чиноз районидаги Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Оққўрғон районидаги Куйбишев номли, Бекобод районидаги Навоий номли, Ойбек номли, Бўка районидаги К. Маркс номли, Ильич номли, Ғалаба районидаги Димитров номли, Пискент районидаги Охунбобоев номли, Свердлов номли ва бошқа хўжаликлар шулар жумласидандир.

Вилоятда давлатга пилла топшириш давом этмоқда. Миришкорлар планга қўшимча яна 200 тонна «кумуш тола» етказиб беришга аҳд қилишди.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04599. № 130. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12